

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК  
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**2019**



**ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ  
ПСИХОЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ**  
Тингловчилар учун ўқув-услубий мажмуа

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”  
Тармоқ маркази директори  
Н.М.Эгамбердиева  
“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2019 йил**

**“ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК  
АСОСЛАРИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Малака ошириш курси йўналиши: Ўзбек тили ва адабиёти  
Тингловчилар контингенти: олий таълим муассасаларининг  
профессор-ўқитувчилари**

**Тошкент – 2019**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

**Қ. Йўлдошев, п.ф.д., профессор.**

**Такризчилар:**

**Қ. Хусанбоева, педагогика  
фанлари доктори.**

**Р. Ниёзметова, педагогика  
фанлари доктори, профессор,  
ТошДУТАУ**

***Ўқув-услугий тўплам ТошДУТАУ Кенгашининг 2019 йил  
28- августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.***

# МУНДАРИЖА

|  |           |
|--|-----------|
| <b>I. ИШЧИ ДАСТУР.....</b>   | <b>4</b>  |
| <b>II. МОДУЛНИ ҶЌИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ<br/>МЕТОДЛАРИ.....</b>   | <b>9</b>  |
| <b>III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ .....</b>   | <b>18</b> |
| <b>IV. АМАЛИЙ МАШЃУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА<br/>УЛАРНИ БАЖАРИШ БЃЙИЧА ТАВСИЯЛАРОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА</b> |           |
| <b>V.БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР.....</b>   | <b>55</b> |
| <b>VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>  | <b>56</b> |
| <b>VII. ГЛОССАРИЙ .....</b>  | <b>60</b> |
| <b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЃЙХАТИ.....</b>   | <b>62</b> |

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори йўналишлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

“Ўзбек тилини ўқитишнинг психолингвистик асослари” деб номланган мазкур фан доирасида жаҳон тилшунослигида етакчи йўналишларидан бири бўлган она тилнинг ўзлаштирилиши (first language acquisition) унинг ўрганиш объекти, таянч тушунчалари, долзарб муаммолари ҳақида маълумот берилади. Бу фан педагогларни психолингвистиканинг тил ўзлаштирилиши йўналишидаги энг сўнгги ютуқлар билан, ўзбек тили мисолида ўтказилган психолингвистик тажрибалар билан таништиради, лисоний ҳодисани психолингвистик жиҳатдан баҳолашни ўргатади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади тингловчиларга она тилининг ўзлаштирилишига оид психолингвистик қонуниятлар, сўз маъносининг ўзлаштирилиши, сўз шакллари хотирада сақланиши, грамматик структуранинг ўзлаштирилиши, нутқ яратилиши механизми, нутқнинг ҳосил бўлиши ва қабул қилиниши даражалари ва бирликлари, нутқнинг ҳосил бўлиши бўйича психолингвистик моделлар, нутқнинг қабул қилиниши бўйича психолингвистик моделлар, матннинг тушунилишидаги ўзига хосликлар, она тили дарсларида тўрт лисоний малакани – эшитиб тушуниш, ўқиб тушуниш, оғзаки нутқ ва ёзма нутқни – шакллантириш масалалари бўйича билим бериш.

Модулнинг вазифаси тингловчиларни она тили таълими давомида

Ўқувчиларнинг лисоний малакасидаги заиф нуқталарнинг психоллингвистик асосини тўғри баҳолаш, уни ривожлантириш учун мос ёндашувни танлай олиш бўйича илмий-назарий билим билан қуроллантириш.

Ўқув фанида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- ўзбек тилини ўқитишнинг психоллингвистик асосларини тушунтириш;
- она тилининг ўзлаштирилишидаги психоллингвистик қонуниятлар билан таништириш;
- тил таълими жараёнидаги тил ҳодисаларини психоллингвистик таҳлил қилиш ва баҳолай олишни ўргатиш;
- нутқнинг яратилиши ва қабул қилинишига оид психоллингвистик моделлар ва уларнинг тил таълими жараёнидаги аҳамияти билан таништириш;
- тўрт лисоний малакани ривожлантиришнинг психоллингвистик асосини тушунтириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва лаёқатларига қўйиладиган талаблар**

“Ўзбек тилини ўқитишнинг психоллингвистик асослари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **ТИНГЛОВЧИ:**

- ўзбек тилини ўқитишнинг психоллингвистик асослари, мақсад ва вазифалари;
  - психоллингвистик қонуниятлар ва принципларни;
  - нутқнинг ҳосил бўлиши ва қабул қилинишига қаратилган психоллингвистик моделлар ҳамда матннинг тушунилишидаги ўзига ҳосликларни
    - тил таълими жараёнида психоллингвистик билимнинг аҳамияти, ўзбек тилидаги матнларнинг яратилиши ва қабул қилинишидаги лингвистик ва экстралингвистик омилларнинг аҳамияти бўйича **билимга**;
    - хотирада сўз шаклларини сақлаб қолиш;
    - нутқ механизмларини ўрганишга йўналтирилган ёндашувлар асосида тил чегараларини топиш ва қўллаш олиш;
    - тил таълими жараёнида учрайдиган лисоний ҳодисалар асосида ётган психоллингвистик қонуниятларни аниқлай олиш **қўникмаларга**;
    - нутқий оқимни ташкилий қисмларда ажратиш;
    - тил таълими жараёнини психоллингвистик тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилиш **малакасига** эга бўлиши керак.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Ўзбек тилини ўқитишнинг психоллингвистик асослари” курси маъруза

ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан; ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Ўзбек тилини ўқитишнинг психолингвистик асослари” “Тил тизимини антропоцентриқ тадқиқ этиш тамойиллари” модули ўқув режасидаги филологик таълимда илғор хорижий тажрибалар, филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил, тилшунослик назарияси ва методикаси, **ўзбек назарий тилшунослиги** билан боғлиқликда ва узвийликда ўқитилади.

### **Модулнинг андрагогик таълимдаги ўрни**

“Ўзбек тилини ўқитишнинг психолингвистик асослари” модулини ўзлаштириш орқали тингловчилар психолингвистиканинг етакчи илмий йўналишларидан бири – она тилини ўзлаштириш йўналиши бўйича тадқиқотларнинг хулосалари билан танишадилар, она тилини ўзлаштиришдаги универсал қонуниятларни билиб оладилар, тил тадқиқида қўлланаётган замонавий методлардан хабардор бўладилар, лисоний ҳодисаларни психолингвистик таҳлил қилишга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоги**

| №  | Модул мавзулари   | Ўқув юкلامаси (соат) |                         |                 |   |
|----|---|----------------------|-------------------------|-----------------|---|
|    |   | Хаммаси              | Аудитория ўқув юкلامаси |                 |   |
|    |   |                      | Жами                    | жумладан        |   |
|    |   |                      | Назарий                 | Амалий машғулот |   |
| 1. | Тил таълими психолингвистик жараён сифатида                           | 2                    | 2                       | 2               |   |
| 2. | Она тилининг ўзлаштирилиши  | 2                    |                         |                 | 2 |
| 3. | Нутқнинг яратилиши ва қабул қилиниши бўйича психолингвистик моделлар. | 2                    |                         |                 | 2 |

|    |  |   |  |  |   |
|----|--|---|--|--|---|
| 4. | Матннинг тушунилишига таъсир<br>этувчи лингвистик ва<br>экстралингвистик омиллар | 2 |  |  | 2 |
| 5. | Матннинг тушунилиши:<br>даражалар ва birlikлар                                   | 2 |  |  | 2 |
| 6. | Сўз маъносининг ўзлаштирилиши  | 2 |  |  | 2 |
|    | Жами   |   |  |  |   |

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Тил таълими психолингвистик жараён сифатида.**

Психолингвистика инсон онгида кечадиган тилга оид жараёнларни ўрганади, хусусан, нутқнинг яратилиши, нутқнинг қабул қилиниши ва тилнинг ўзлаштирилиши психолингвистиканинг асосий масалаларидир. Тилнинг ўзлаштирилиши йўналиши моҳият эътибори билан алоҳида фан сифатида шаклланган. Ғарбда биринчи тилнинг ўзлаштирилиши, иккинчи тилнинг ўзлаштирилиши номлари билан юритиладиган бир-бирига яқин икки йўналишда тадқиқотлар амалга оширилади. Ҳар қандай тил таълими лисоний birlikларнинг кодланиши ва декодланиши кўникмаларига қаратилар экан, мазкур жараённи тўғри англаш ва ўқувчиларнинг кўрсаткичларини мос равишда баҳолаш, шу орқали дарс самарадорлигини таъминлаш учун психолингвистик билим зарур бўлади. Мазкур курснинг мақсади тингловчиларни тил ўқитиш дарсларида кузатиладиган ҳолатларни психолингвистик нуқтаи назардан баҳолай олишга ўргатиш.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ**

#### **1-машғулот. Тил ўзлаштиришга оид қонуниятлар.**

Тил ўзлаштиришда қайси тил бўлишидан қатъи назар жараёнга тегишли бўлган умумий қонуниятлар мавжуддир. Нотаниш тилдаги нутқ оқимини сегментация қилиш, бунда инсон перцептив аппаратининг “пастдан тепага” ва “тепадан пастга” йўналишларини уйғун ҳолда қўллайди. Инварианс масаласини ҳам тилнинг табиий жиҳатларидан келиб чиқиб ҳал қилади. Гапларни ажратиш ва сўзларни ажратишда инсон онги таянадиган маълум формал жиҳатлар мавжуд. Хусусан, паузалар, унли ва ундошлар комбинацияси. Бундан ташқари сўз маъносининг ўзлаштирилишида ҳам барча тиллар учун универсал бўлган қонуният бор. Бу инсон онгининг қабул қилиш ва қабул қилинган маълумотни қайта ишлашдаги ўзига хослиги билан боғлиқ.

Тил ўрганиш жараёнида грамматик birlikларнинг ўзлаштирилишида ҳам маълум тартиб кузатилади.

#### **2-машғулот. Нутқнинг яратилиши ва қабул қилиниши бўйича психолингвистик моделлар.**

Нутқ яратилиши ва қабул қилиниши психолингвистиканинг марказий масалаларидан биридир. Психолингвистика фан сифатида шакллангандан буён нутқ яратилиши бўйича ҳам, қабул қилиниши бўйича бир қатор



моделлар ишлаб чиқилган. Уларда мазкур жараёнларнинг қандай босқичлардан иборатлиги ва у босқичларда қандай бирликлар билан иш кўрилишига эътибор қаратилган. Дастлабки моделлар ахборот алмашиш назариясига таянган ҳолда тилни код сифатида талқин қилган, нутқ яратилиши кодлаш, қабул қилиниши эса декодлаш жараёни деб номланган. Кейинги моделлар кодлаш ва декодлаш жараёнининг тафсилотларини очишга ҳаракат қилган. Нутқий паталогияни ўрганиш ҳам мазкур моделларнинг такомиллашишига муҳим ҳисса қўшган. Психолингвистикада Делл модели, Левелт модели, Эллис ва Йанг модели каби моделлар мавжуд.

### **3-машғулот. Матннинг тушунилишига таъсир этувчи лингвистик ва экстралингвистик омиллар.**

Матн ўзида шакл ва мазмунни жамлар экан, унинг тушунилиш жараёни бир томондан унинг шаклига, иккинчи томондан мазмунига боғлиқ бўлади. Шу билан бирга матннинг на шакли, на мазмунига боғлиқ бўлган омиллар мавжуд. Бу омилларни умумий қилиб экстралингвистик омиллар деб аташ ўринлидир. Мазкур омиллар сирасига ўқувчининг психологик ҳолати, умумий ҳаётий тажрибаси, унинг онгидаги стереотиплар, функционал саводхонлик даражаси кабиларни киритиш мумкин. Улар матннинг тушунилишига ҳал қилувчи даражада таъсир эта оладиган омиллардир.

### **4-машғулот. Матннинг тушунилиши: даражалар ва бирликлар**

Матннинг тушунилиши мураккаб жараён бўлиб, параллел кечадиган бир неча даражалардан иборат бўлади. Матнни тушуниш ҳар қандай таълимнинг асосини ташкил қилади. Шунинг учун мазкур жараённи психолингвистик таҳлил қилиш мазкур жараён ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишимизга ва шу асосда мазмунни етказишда самарадор усулларни топишга ёрдам беради.

### **5-машғулот. Сўз маъносининг ўзлаштирилиши.**

Сўз маъносининг ўзлаштирилиши юзасидан психолингвистик тадқиқотлар билан таништирилади. Сўз маъносининг ўзлаштирилишида сўз частотасининг ва контекстнинг аҳамияти тушунтирилади. Матнни қабул қилишда нотаниш сўзнинг матнни тушунишга қандай таъсир қилиши таҳлил қилинади. Сўз маъносининг ўзлаштирилишда стандарт конструкцияларнинг ўрни ҳақида фикр юритилади. Нотаниш сўзнинг маъносини тушунишда ассоциатив реакциянинг аҳамияти кўриб чиқилади.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

**Айрим интерфаол усулларнинг моҳияти.** Интерфаол методлар орасида энг кўп қўлланиладиган ва катта самара бериши мумкин бўлгани “**фикрий ҳужум**” усулидир. “Фикрий ҳужум” бирор синф ёки ўқувчилар жамоаси олдида қўйилган муаммони ечишнинг энг самарали ва демократик йўлидир. Шунини алоҳида таъкиллаш ўринлики, ҳозир “Фикрий ҳужум” усулидан фойдаланиш амалиётида ўқитувчилар ўтган мавзулар юзасидан ўқувчиларга турли-туман саволлар билан “ҳужум” қилишади. Ҳолбуки, “Фикрий ҳужум”нинг бутун моҳияти ўқувчиларнинг ўзлари янги мавзунини ўзлаштириш ёки қўйилган бирор дидактик муаммони ҳал этиш учун фикрларини зўриқтириб, тинимсиз “ҳужум” қилиш ва шундай қизиқ ва кизғин фаолият натижасида ўқув топшириғини бажаришларидадир. Бу усулнинг диққатга лойиқ жиҳати шундаки, унда кичик гуруҳлардаги ўқувчилар ўзаро биргаликда ишлашга, яхши ёки ёмон ўқишдан қатъи назар ҳар бир боланинг фикрини эшитишга ўрганишади. Гуруҳ аъзоларига бир хил баҳо қўйилиши эса болаларда жамоатчилик руҳини шакллантиради.

“Фикрий ҳужум”да ўқитувчи бошқарувчи эмас, балки **фисилатор** (ёрдам берувчи) сифатида иш қўради. У ўқувчилар фаолиятини муаммога йўналтириб туради, уларнинг асосий мақсаддан чалғиб кетмасликларини таъминлайди. “Фикрий ҳужум” методини қўллаш қуйидаги тахминий босқичлардан иборат бўлиши каттароқ самара бериши мумкин:

**1. Тайёргарлик.** “Фикрий ҳужум” усулида ўтиладиган дарс бошланганга қадар унда ечилиши керак бўлган муаммо ёки бажарилиши лозим бўлган топшириқдан ўқувчилар хабардор қилинишлари лозим. Болалар бу муаммо ёхуд вазифа тўғрисида муайян вақт давомида бош қотиришлари, ўйлаб кўришлари керак. Шунингдек, синфдаги ўқувчилар муайян кичик гуруҳларга бўлиниб, гуруҳдаги ҳар бир бола аниқ вазифа билан таъминланиши зарур. Чунончи, ким гуруҳга етакчи бўлиши, кимлар айтилган фикрларни ёзиб олиш учун котиблик қилиши, кимлар ҳакамлар сафида бўлиши белгилаб қўйилиши лозим.

**2. Далиллар топиш.** Дарсда ўқувчилар ҳал этишлари керак бўлган муаммо аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Берилаётган топшириқ бир неча кун олдин хаттахтага ёзиб қўйилиб, ўқувчилар билан муҳокама қилиниши керак. Муаммо юзасидан ўқувчиларнинг дастлабки фикрлари эшитиб кўрилса, улар мувозанатдан чиқиб, безовта бўлиб қолишади.

**3. Дастлабки машқ.** “Фикрий ҳужум” ёрдамида ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони ечишга ўқувчиларни руҳан ва ақлан тайёрлаш учун дастлабки машқ ўтказиш фойдалидир. У қўйилаётган муаммога бевосита тегишли бўлмаслиги ҳам мумкин. Ўқувчиларда “Фикрий ҳужум” усули қандай бўлиши ҳақида тасаввур уйғотиш учун ҳам дастлабки машқни ўтказиш зарурдир.

**4. Фикрларни ҳисобга олиш.** Бу босқич ечилиши керак бўлган муаммо юзасидан ўқувчиларнинг фикрий ҳужуми билан бошланади. Истаган ўқувчи, истаган фикрини, истаган вақтда айтиши мумкин. Айтилган ҳар бир фикр котиблар томонидан ёзиб олинishi зарур. Ўқувчилар ҳар қандай тўғри-нотўғри, яхши-ёмон фикрларни билдиришдан чўчимасликлари учун қуйидаги қоидалар хаттахтага ёзиб қўйилиб, уларга ҳамманинг сўзсиз амал қилиши таъминланиши керак:

- Айтилаётган фикрлар қандайлигидан қатъи назар **ТАНҚИД ҚИЛМАСЛИК, БАҲОЛАМАСЛИК, МУНОСАБАТ БИЛДИРМАСЛИК;**

- “Фикрий ҳужум”да **НОТЎҒРИ ФИКР БЎЛМАЙДИ.** Эсга келган ҳар қандай фикр ўйлаб ўтирмай, айтилиши керак. Баъзан айнан бўлмағур, “аҳмоқона”, ақлга тўғри келмайдиган фикрлар фойдали ғояларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин;

- **ФИКРЛАРНИНГ МИҚДОРИ МУҲИМ.** Ўқувчилар имкон қадар кўп фикр билдиришлари керак. Чунки ортиқча фикрларни қисқартириш, етмай қолган фикрларни кўпайтиришдан осонроқ;

- **ФИКРЛАРНИ АЛМАШТИРИШ, ҚЎШИШ, ЯХШИЛАШ ЛОЗИМ.** Ҳамманинг фикри ёзиб олинб, улар мақсадга мувофиқ тарзда жойлаштирилиши, сараланиши, таҳрир қилиниши, таҳлил этилиши керак;

- **БЕМАЛОЛ БЎЛИШ, ЗАВҚЛАНИШ КЕРАК.** “Фикрий ҳужум” кечимида ўқувчилар асабийлашмасликлари, жараён завқли ўйин руҳида ўтиши керак. “Фикрий ҳужум” қанча қизиқарли бўлса, шунча кўп самара келтиради. Ўйин руҳидаги қизиқарли фаолиятда гуруҳ ичида дўстона вазият юзага келиб, ўқувчилар бир-бирларига ёрдам кўрсатишади;

- **БАЪЗАН ЎЙЛАНИБ ЖИМ ТУРИШ ҲАМ ФОЙДАЛИ.** Айрим ўқувчиларнинг ўйланиб жим туришларини ёмон қабул қилмаслик, уларни фикрсизликда айбламаслик керак, ўйланиб жим турган одам бирор ноёб фикрни айтиб юбориши ҳам мумкин.

**5. Ечимни топиш.** Ўқувчилар “фикрий ҳужум”га киришганларидан кейин белгиланган вақт ўтгач, ўқитувчи “ҳужум”ни тўхтатиб, муаммони ечишга ўтиш кераклигини эсга солади. Бу вақтда гуруҳлардаги котиблар барча фикрларни ёзиб олган, ўқувчилар бу фикрларнинг қайсилари яроқли экани тўғрисида ўйлай бошлаган бўлади. Ўқувчилар ўзаро маслаҳатлашиб, айтилган фикрларни муҳокама қилиб, кераксизларини ўчириб, яроқли фикрлар миқдорини қисқартириб боради. Охирида бир неча жуда муҳим қарашларгина қолади. Гуруҳ ана шуларга таяниб, таълимий масаланинг ечилиши бўйича ўз хулосасини беради.

Машғулот сўнгида “Фикрий ҳужум” жараёни қандай ўтгани ва қайси гуруҳга нима сабабдан қандай баҳо қўйилиши хусусида ўқитувчи бир неча оғиз сўз айтади. Алоҳида таъкидлаш керакки, баҳо алоҳида болаларга эмас, балки кичик гуруҳлардаги барча ўқувчига қўйилади. Шундай қилинса, гуруҳ аъзолари бир-бирларини ўқитишади, дидактик материалнинг барча қатнашчилар томонидан тўла ўзлаштирилишига эришилади.

Интерфаол методлар технологиялашаётган педагогик амалиётнинг энг оддий кўринишидир. Ҳозирги кунда бутун жаҳон бўйича таълим жараёнини

технологиялаштириш, яъни худди битта технологияда ташкил этилган ишлаб чиқариш кечимида конвейердан бир хил товар чиққани каби ўқувчиларни таълим мазмунини тўла ўзлаштирадиган даражада тайёрлашга уриниш кетмоқда. Бунда педагогик технология шу қадар мукамал ишлаб чиқилиши ва шу қадар маҳорат билан ташкил этилиши лозимки, унда таълимнинг мазмунини ўзлаштириб ололмайдиган бирорта ўқувчи қолмасин, деган вазифа қўйилмоқда.

### **“ФИКРИЙ ҲУЖУМ” МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Интерфаол методлар орасида энг кўп қўлланиладиган ва катта самара бериши мумкин бўлган усул **“фикрий ҳужум”**дир. “Фикрий ҳужум” бирор синф ёки ўқучилар жамоаси олдига қўйилган муаммони ечишнинг энг самарали ва демократик йўлидир. Шунини алоҳида таъкиллаш ўринлики, ҳозир “Фикрий ҳужум” усулидан фойдаланиш амалиётида ўқитувчилар ўтган мавзулар юзасидан ўқувчиларга турли-туман саволлар билан “ҳужум” қилишлари кенг тарқалган. Ҳолбуки, тамомила бунинг тескариси бўлиши керак.

“Фикрий ҳужум”нинг бутун моҳияти ўқувчиларнинг ўзлари янги мавзунини ўзлаштириш ёки қўйилган бирор дидактик муаммони ҳал этиш учун фикрларини зўриқтириб, тинимсиз “ҳужум” қилишлари ва шу тариқа кўрсатилган қизиқарли қизгин фаолият натижасида ўқув топшириғини бажаришлари керак. Бу усулнинг диққатга лойиқ жиҳати шундаки, унда ўқувчилар ўзаро биргаликда ишлашга, яхши ёки ёмон ўқишидан қатъи назар ҳар битта қатнашчининг фикрини эшитишга ўрганишади. Шунингдек, гуруҳ аъзоларининг бир хил баҳоланиши болаларда жамоатчилик руҳини шакллантиришга хизмат қилади.

“Фикрий ҳужум”да ўқитувчи бошқарувчи эмас, балки **фисилатор** (ёрдам берувчи) сифатида иш кўради. У ўқувчилар фаолиятини ташкил қилади, йўналтириб туради, уларнинг асосий мақсаддан чалғиб кетмасликларини таъминлайди. “Фикрий ҳужум” методини қўллаш қуйидаги тахминий босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

**6. Тайёргарлик.** “Фикрий ҳужум” усулида ўтиладиган дарс бошланганга қадар у дарсда ҳал қилиниши керак бўлган муаммо ёки бажарилиши лозим топшириқдан ўқувчилар хабардор қилинишлари лозим. Токи, болалар бу муаммо ёхуд вазифа тўғрисида муайян вақт давомида бош қотиришлари, ўйлаб кўришлари мумкин бўлсин. Шунингдек, синфдаги ўқувчилар муайян кичик гуруҳларга бўлинишлари ва уларнинг ҳар бири аниқ вазифа билан таъминланишлари зарур. Чунончи, ким гуруҳга етакчи бўлиши, кимлар айтилган турли-туман фикрларни ёзиб олиш учун котиблик қилиши белгилаб қўйилиши зарур. Шунингдек, ўқитувчи аълочи ва холис ўқувчилардан қайси гуруҳнинг жавоби энг тўғри эканини белгилаб берадиган ҳакамлар ҳайъатини ташкил этиши керак.

**7. Далиллар топиш.** Дарсда ўқувчилар ҳал этишлари керак бўлган муаммо аниқ ва тушунарли бўлиши зарур. Берилаётган топшириқни дарстахтага ёзиб қўйиш, бир неча кун олдин уни ўқувчилар билан муҳокама

қилиш керак. Муаммо юзасидан ўқувчиларнинг дастлабки яхши-ёмон фикрлари эшитиб кўрилса, улар мувозанатдан чиқиб, безовта бўлиб қолишади.

**8. Дастлабки машқ.** “Фикрий ҳужум” ёрдамида ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони ечишга ўқувчиларни руҳан ва ақлан тайёрлаш учун дастлабки машқ ўтказиш фойдалидир. Бу машқ қўйилаётган муаммога бевосита тегишли бўлмаслиги ҳам мумкин. Дастлабки машқ “Фикрий ҳужум” усули қандай бўлишини ўқувчилар тасаввур этишлари учун ҳам ғоят зарурдир.

**9. Фикрларни олиш.** Интерфаол усулдаги энг асосий ва қизиқарли бўлган бу босқич тавсия этилган муаммо юзасидан фикрий ҳужум билан бошланади. Истаган ўқувчи, истаган вақтида, истаган фикрини айтиши мумкин. Фақат фикрларнинг котиблар томонидан ёзиб олинисига улгуриш зарур бўлади. Ўқувчилар ҳар қандай тўғри-нотўғри, яхши-ёмон фикрларни билдиришдан чўчимасликлари учун қуйидаги қоидалар дарстахтага ёзиб қўйилиши ва унга ҳаммининг амал қилиши таъминланиши керак:

- **ТАНҚИД ҚИЛМАСЛИК ВА БАҲОЛАМАСЛИК** (айтилаётган фикрлар қандайлигидан қатъи назар ҳеч ким ҳеч кимни бирор йўсинда танқид қилмаслиги, дакки бермаслиги, муносабат билдирмаслиги керак);

- **НОТЎҒРИ ФИКР БЎЛМАЙДИ** (эсга келган ҳар қандай фикр ўйлаб ўтирмай, айтилиши керак. Бўлмағур, “ахлоқона”, тўғри келмайдигандай кўринадиган фикрлар баъзан фойдали ғояларнинг юзага келишига сабаб бўлиши ҳам мумкин);

- **ФИКРЛАРНИНГ МИҚДОРИ МУҲИМ** (фикрлар қанча кўп бўлса, шунча яхши, чунки ортиқча ғояларни қисқартириш, етарлича бўлмай қолган фикрларни кўпайтиришдан осонроқ);

- **ФИКРЛАРНИ АЛМАШТИРИШ, ҚЎШИШ, ЯХШИЛАШ ЛОЗИМ** (ҳаммининг фикри олиниб, улар мақсадга мувофиқ тарзда ўринлаштирилиши, сараланиши, таҳрир қилиниши, таҳлил этилиши керак);

- **БЕМАЛОЛ БЎЛИШ, ЎЙНАБ ЗАВҚ ОЛИШ КЕРАК** (“фикрий ҳужум” жараёни ўйин ва завқланиш руҳида ўтиши керак. У қизиқарли бўлса, кўпроқ самара келтиради. “Фикрий ҳужум” ўйин руҳида, қизиқарли ўтказилса, гуруҳ ичида дўстона вазият юзага келиб, ўқувчилар бир-бирларига ўзаро ёрдам кўрсатишади);

Умуман, машғулот сўнгида “Фикрий ҳужум” жараёни қандай ўтгани ва қайси гуруҳга нима сабабдан қандай баҳо қўйилиши хусусида бир неча оғиз сўз айтилгани маъқул. Алоҳида таъкидлаш керакки, баҳо алоҳида ўқувчиларга эмас, балки кичик гуруҳдаги барча мучаларга қўйилади. Шундай қилинса, гуруҳ аъзолари бир-бирларини ўқитишади, дидактик материалнинг ҳамма томонидан ўзлаштирилишига интилишади.

Адабиёт ўқитувчиси “Фикрий ҳужум” асносида муаммонинг ечими сифатида тақдим этилаётган фикр ўрганилиши лозим бўлган бадиий асар матнидан келтириб чиқарилган бўлишига алоҳида эътибор бериши керак.

## “КЛАСТЕР” УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

“Кластер” инглизча сўз бўлиб, “боғлам”, “тутам”, “тарам”, “даста” маъноларини англатади. Бу усулнинг “боғлам”, “тутам”, “тарам”, “даста” маъноларидаги сўз билан аталишининг сабаби шундаки, ушбу методда ҳар бир кичик гуруҳ бутун гуруҳ олдида турган **умумий муаммонинг бир жиҳатини ҳал этишга** йўналтирилади. Ҳар бир кичик гуруҳ олдида умумий ўқув муаммосининг бирор қиррасини ечиш топширилади ва барча кичик гуруҳларнинг фаолияти натижасида ўқув муаммоси тўла ҳал қилинади. Бунда кичик гуруҳ аъзолари муаммони ечишда қўл келадиган далилларни имкон борича кўпроқ тўплашга йўналтирилади.

Айрим жиҳатларига кўра “кластер” “фикрий ҳужум”га ўхшаб ҳам кетади. Фақат бунда ҳар бир кичик гуруҳ қўйилган умумий муаммонинг бир жиҳатини аниқлашга эътибор қаратади. Кластер усули ўқувчиларни тезкор фикрлашга, далилларни таҳлил қилиш, хусусий факт замиридаги умумийга хос жиҳатни кўриш ва улар асосида хулоса чиқарабилишга ўргатади.

Кластер усулидан фойдаланиш ҳам бир неча босқичли жараён дир. **Биринчи босқич**да ўқитувчи дарстахтага умумий муаммо ва уни ечишда қўл келиши мумкин бўлган калит сўзларни ёзиб қўяди. Масалан, Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссасини кластер усули асосида ўрганишда ўқувчилар олдида “Алимардоннинг маънавий таназзули сабаблари нимада?” муаммоси қўйилди. Муаммонинг ечими учун “дўстлик”, “хиёнат”, “худбинлик”, “манфаатпарастлик”, “бузуклик”, “талант”, “эзгулик”, “жазо”, “мукофот”, “адолат”, “соддалик”, “тўғрилиқ”, “истеъдод”, “манманлик” каби калит сўзлар берилди.

**Иккинчи босқич**да ўқув гуруҳи уч кичик гуруҳчага бўлинди ва 1- кичик гуруҳ “Алимардон ҳалокатининг ижтимоий сабаблари”, 2- кичик гуруҳ “Алимардон маънавий таназзулининг касбий омиллари”, 3- кичик гуруҳ “Алимардон табиатидаги уни ҳалокатга етаклаган жиҳатлар” хусусида кластер усулида изланиш олиб боришлари кераклиги айтилди.

**Учинчи босқич**да ҳар бир кичик гуруҳ ўз олдида турган ўқув муаммоси юзасидан асар матнига таяниб, имкон қадар кўпроқ калит сўзлар, кўчирмалар, фикрлар топади. Бунда фикр ва таклифларнинг чегараси белгиланмайди, фақат вақтгина чегараланади, холос.

**Тўртинчи босқич**да топилган калит сўзлар, кўчирмалар, муаммо ечимига доир фикрлар ўртасидаги боғлиқлик топишга уринилди. Ҳар бир кичик гуруҳ ўз кластери юзасидан кузатишларини охирига етказгач, олдиларига қўйилган муаммо бўйича топилган ечимларни ўқитувчи ва бошқа гуруҳдошларига тақдим этдилар.

Учта кичик гуруҳ томонидан қилинган кузатишлар, тўпланган омиллар ва берилган изоҳлар ўқувчиларга қисса бош қаҳрамони Алимардон Тўраев тимсолининг ҳалокати сабаблари юзасидан бир тўхтама келиш, асардаги образларни тавсифлаш имконини берди. Бу қарашлар дарслик муаллифлари айтганидай ёки ўқитувчи кутганидай бўлмаслиги ҳам мумкин.

## “ГАЛЕРЕЯ” УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ҳар бир томошабин расмлар галереясидаги барча асарларни кўриши ва бу тўғрида истаган одам билан фикрлашиши мумкин бўлганидек, “галерея” усулидан фойдаланганда ҳам турли кичик гуруҳларнинг аъзолари ҳар бир муаммо бўйича ўзлари топган ечим юзасидан бошқа кичик гуруҳдагилар билан фикрлашишлари мумкин. Дейлик, “Баҳор қайтмайди” қиссаси юзасидан уч кичик гуруҳ ўз олдиларига қўйилган муаммо бўйича тайёрлаган жавоблари билан ёнидаги кичик гуруҳ аъзоларини таништирадилар ва, ўз навбатида, уларнинг ўз муаммолари бўйича бермоқчи бўлган жавоблари билан ҳам танишадилар. Шу аснода ҳар бир кичик гуруҳ кўшнисининг муаммоси моҳиятидан хабардор бўлади, улар таклиф қилаётган ечим маъқул келмаган ўринларда ўз мулоҳазаларини ёзиб қўяди. Шу тариқа, ўқув гуруҳидаги барча ўқувчилар бир-бирларининг муаммолари билан танишадилар ва уларни тўғри ечиш юзасидан ўз таклифларини беришади. Шундан сўнг ҳар бир кичик гуруҳ ўз муаммосига қайтади ва кўшни гуруҳчадагилар айтган таклифлар нуқтаи назаридан ўз жавобларини қайта кўриб чиқади. Ниҳоят, ҳар бир кичик гуруҳ ўз муаммоси бўйича тайёрлаган ечимларни ўқитувчига тақдим этиб, масаланинг нима сабабдан айнан шундай ҳал этилганини изоҳлайди. Бошқа кичик гуруҳдагилар кўшнилариининг жавобларидаги уларни қониктирмаган ўринлар юзасидан тўлдиришлар қилиши, изоҳлар бериши мумкин. Бу ҳолат кичик гуруҳ аъзоларини баҳолашда ҳисобга олинади.

## “АЙЛАНА” УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Адабий таълимда етарлича самара билан қўллаш мумкин бўлган интерфаол усуллардан бири “айлана” деб аталади. Бу усул ёзма ёки оғзаки шаклда ўтказилиши мумкин. Ушбу усулда битта савол ёки бир гуруҳ саволларга ҳар бир ўқувчи томонидан алоҳида жавоб берилиши кўзда тутилади.

“Айлана” усулидан фойдаланганда ҳам ўқувчиларга бериладиган савол ёки муаммо бир неча тўғри жавобга эга бўлишига эътибор қаратилиши лозим. Демак, аниқ далиллар ўзлаштирилиши кўзда тутилган машғулотларда бу усулдан фойдаланиб бўлмайди. “Айлана” усули бирор адабий қаҳрамон ёки тимсоллар гуруҳининг хатти-ҳаракатларига баҳо бериш, муносабат билдириш, ҳар бир ўқувчининг нуқтаи назарини англатиш талаб этиладиган мавзуларни ўрганишда кутилган самарани бериши мумкин.

Америкалик адиб Жек Лондоннинг “Ҳаётга муҳаббат” ҳикояси берилган. Ушбу асарни ўрганишда гуруҳдаги ўқувчилар олти кишилик кичик гуруҳларга бўлинади, ҳар бир кичик гуруҳ олдида биттадан муаммо қўйилади ва муаммонинг ечими учун сарфланадиган вақт белгиланади. Кичик гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи муаммога ўз ечимини таклиф қилади. Тушунарлироқ бўлиши учун бу жараённи қуйидагича ифодалаш мумкин:

**1- қадам.** 1- кичик гуруҳ олдида “Ҳикоя қаҳрамони билан унинг

шериги Биллинг хатти-ҳаракатларини изоҳланг” топшириғи берилади.

**2- қадам.** Кичик гуруҳга шу топшириқ ёзилган битта катта қоғоз ва битта ручка берилади.

**3- қадам.** 1- ўқувчи фамилияси ва ўз жавобини ёзади.

**4- қадам.** 1- ўқувчи қоғозни ўнг томонида ўтирган гуруҳдошига узатади. 2- ўқувчи ўз фамилияси ва жавобини ёзади.

**5- қадам.** 2- ўқувчи ҳам қоғозни ўнг томонидаги шеригига узатади. У ҳам фамилияси ва хаёлида тайёрлаб турган жавобини ёзади. Шу тариқа, қоғоз айланаверади, муаммога берилган жавоблар сони кўпаяверади. Вақт етишига қараб, кичик гуруҳ аъзолари муаммога бир неча мартадан жавоб ёзишлари ҳам мумкин.


**6- қадам.** Белгиланган вақт тугагач, гуруҳ ўз ишини якунлайди.

“Айлана”ни қўллашда ўқитувчи кичик гуруҳлардан олинган жавоблардан қандай фойдаланишни олдиндан ўйлаб қўйиши керак бўлади. Негаки, агар олинган жавоблардан муайян ўқув мақсадларида фойдаланилмаса, кейинчалик ўқувчилар бу усулга жиддий қарамай қўяди ва астойдил ўйлаб ўтирмай, жавобларни шунчаки ёзиб қўйишга одатланишади. Ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам берилган жавоблар ўқув жараёнининг тугаши эмас, балки бошланиши эканини кўзда тутиб, улардан ягона таълимий мақсадга эришишда фойдаланиши лозим бўлади.

Шу ҳикояни ўрганиш юзасидан 2- кичик гуруҳга “Касал бўри билан оч одам тасвиридаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кўрсатинг”, 3- кичик гуруҳга “Ночор ва касал одамнинг очлик ҳамда кимсасизлик синовидан омон ўтгани сабабини изоҳланг”, 4- гуруҳга “Ҳикоя матнидан одамга қудрат бахш этадиган асосий омил нима эканини аниқланг” тарзида топшириқлар берилади. Бу кичик гуруҳлар ҳам 1- кичик гуруҳ қўллаган тартибда иш олиб боришади.

“Айлана” усулида барча кичик гуруҳдаги ўқувчилар бир-бирларининг жавобларидан хабардор бўлишади ва ўзлари берадиган жавобда олдингиларни такрорламасликка, муаммонинг янги қирраларини очиб беришга интилишади. Шунингдек, бу усул ўқувчиларга ўзларини ўзлари тўғрилаш имконини ҳам беради.






### “ЧУВАЛЧАНГ” УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Адабий таълимда самарали ишлатиш мумкин бўлган интерфаол усуллардан бири “чувалчанг” (зигзаг) усулидир. Интерфаол методнинг бундай номланиши сабаби шундаки, унда турли кичик гуруҳдаги ўқувчилар вақти-вақти билан ўрин алмашиб, бир-бирларига ўтиб турадилар, материални ўзлаштириш ва жавобни тақдим этиш хусусида ўзаро келишиб оладилар. “Чувалчанг” усулида кичик гуруҳнинг ҳар бир аъзоси рақамланади. Агар бирор кичик гуруҳда бирорта аъзо кўп ёки кам бўлса, рақам ҳам шунга яраша битта ортиқ ёхуд кам бўлади. Ўқувчиларнинг рақамланиши сабаби шундаки, ўқитувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бири олдида бажарилиши лозим бўлган ўқув вазифасини қўйгач, рақамлар асосида маслаҳат гуруҳлари ташкил этади. Чунончи, 1- рақамлилар алоҳида, 2- рақамлилар ўз бошларига, 3- рақамлилар ўз олдиларига ва ҳақозо тарзида вақтинчалик маслаҳат гуруҳи ташкил этилади. Маслаҳат гуруҳи олдида ўқув муаммосини тўғри ечиш ва эса қоладиган йўсинда тақдим этиш йўлларини белгилаш вазифаси қўйилади. Маслаҳатчилар ўзаро фикрлашиб олишгач, ўз гуруҳларига қайтадилар.

“Чувалчанг” усули моҳиятини қуйидаги йўсинда эса қоларлироқ ифодалаш мумкин:



**1- босқич.** Гуруҳ ўқувчилари ўзлаштиришлари лозим бўлган ўқув материали ўқитувчи томонидан мантиқий қисмларга ажратилади.

**2- босқич.** Гуруҳ ўқувчилари кичик гуруҳларга бўлинишади ва ҳар бир аъзо рақамланади.

**3- босқич.** Ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган материаллар бўлиб берилади.

**4- босқич.** Кичик гуруҳларнинг бир хил рақамли ўқувчиларидан маслаҳат гуруҳи тuzилади. Масалаҳат гуруҳи аъзолари материални чуқурроқ ўрганиш ва яхшироқ тақдим қилиш йўллари хусусида келишиб олишади.

**5- босқич.** Маслаҳат гуруҳидаги ўқувчилар ўзларининг асл кичик гуруҳларига қайтишади. Улар ўқув материали ҳар бир ўқувчи томонидан тўла ўзлаштирилишини ташкил этади ва назорат қилади.

**6- босқич.** Ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражаси ўқитувчи томонидан текширилади ва баҳоланади.

5- синфда ўқувчилар буюк муҳаддис имом Муҳаммад ал-Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” асаридан берилган намуналар билан танишишлари кераклиги кўзда тутилган. “Чувалчанг” усулининг самарадорлигини таъминлайдиган омил шундан иборатки, унда ўрганилиши лозим бўлган адабий материал ўқитувчи томонидан муайян қисмларга ажратилади. Жумладан, ал-Бухорий ҳадислари мазмун йўналишига қараб, “Ота-она ҳақини адо этиш тўғрисидаги ҳадислар”, “Кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир ҳадислар”, “Кўнгил ҳолатлари ҳақидаги ҳадислар”, “Эзгу инсоний хулқ тўғрисидаги ҳадислар” каби тўрт туркумга бўлинди. 57- гуруҳдаги 28 ўқувчи етти кишилик тўртта кичик гуруҳга ажратилди. Ҳар бир кичик гуруҳга юқоридаги ўқув топшириқларидан бири берилди. Кичик гуруҳлар материал билан бир сидра танишиб бўлишгач, барча кичик гуруҳларнинг 1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 6-, 7- рақамли ўқувчилари маслаҳат гуруҳлари сифатида етти жойга тўпланиб, масалани қандай ҳал этиш ва қай тартибда тақдим қилиш юзасидан ўзаро келишиб олишди. Сўнг маслаҳатчилар яна ўз асл кичик гуруҳларига қайтишди. Ҳар бир ўқувчи бошқа кичик гуруҳларда иш қай йўсинда кетаётганини билгани учун ўз гуруҳчасидаги ишни имкон қадар самарали ташкил қилишга уринади. Бунинг учун ҳар бир ўқувчининг белгиланган йўналишдаги ҳадислар билан тўла танишиб, уни шарҳлашига эътибор қилинади. Маслаҳатчининг ўзи ҳам ҳадислар юзасидан ўз кузатишларини билдиришга уринади. Тақдимчи кичик гуруҳ аъзолари томонидан тайёрланган жавобни муайян тартибда бошқа кичик гуруҳлар ва ўқитувчи эътиборига тақдим этади. Бир кичик гуруҳнинг жавобига бошқа кичик гуруҳ аъзолари ҳам муносабат билдириши, лозим топилса, жавоблар тўлдирилиши мумкин.

### III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

#### 1-мавзу. Тил таълими психолингвистик жараён сифатида

##### Режа:

1. Тил – таълимнинг асоси.
2. Сўзнинг инсон онги томонидан қайта ишланишининг психолингвистик модели.
3. Эшитиб ва ўқиб тушуниш.
4. Оғзаки ва ёзма нутқ.


#### Таянч иборалар

*Эллис ва Йанг модели, аудио-кириш лексикони, визуал-кириш лексикони, оғзаки-чиқиш лексикони, графемик-чиқиш лексикони, семантик тизим, нейролингвистика, афазия, психолингвистика*

Таълим жараёни асосан тил воситасида кечар экан, она тили таълими таълим тизимидаги фанлар орасида алоҳида ўрин тутади. Бошқа фанларнинг ўзлаштирилиши ўқувчининг ўз она тилида ёзма матнни, оғзаки матнни тушуниш, ўз фикрини ёзма ва оғзаки шаклда изчил баён эта олиш кўникмаси билан бевосита боғлиқ. Айтиш мумкинки, она тили таълими ҳар қандай босқичдаги таълимнинг негизини ташкил этади. Тилнинг энг биринчи вазифаси маълумотни кодлаш ва декодлашдир, яъни сўзловчи ўз фикрини тўғри ифодалаши керак ва қабул қилинган нутқда берилган маълумотни тўғри тушуниши керак. Ўрта мактабда она тили таълими тилнинг айнан шу – бирламчи функциясини қўллаш малакасини шакллантиришга қаратилиши керак.

Психолингвистик тадқиқотлардан маълумки, инсоннинг тил қобиляти тўрт хил когнитив малаканинг ўзаро боғлиқлигида ривожланади: эшитиб тушуниш, фикрини оғзаки баён қилиш, ўқиб тушуниш, фикрини ёзма баён қилиш. Эшитиб тушуниш ва гапириш оғзаки нутқ шакли билан боғлиқ, ўқиб тушуниш ва ёзиш эса тилнинг ёзма шакли билан. Эшитиб тушуниш ва ўқиб тушуниш психологик томондан нутқни қабул қилиш жараёни, гапириш ва ёзиш эса нутқ яратиш жараёнидир. Мазкур малакаларнинг ҳар бири инсоннинг турли аъзолари ёрдамида юзага чиқар экан, уларнинг ҳар бири ўзаро боғлиқлиги билан бирга, бир-биридан фарқли эканлигига эътибор қаратиш зарур. Хусусан, нутқни эшитиб тушуниш инсон бош миясининг чакка қисмида жойлашган нейронлар таъсирланиши асосида амалга ошади; ўқиб тушуниш бош миянинг энса қисмидаги нейронлар ёрдамида; гапириш бош миянинг пешона бўлимидаги нутқ аъзоларини ҳаракатлантирувчи нейронлар ёрдамида; ёзиш эса бош миянинг пешона бўлимидаги қўлни ҳаракатлантирувчи нейронлар ёрдамида амалга оширилади. Бир қарашда мазкур фарқлар муҳим эмасдай туюлади, чунки асосда семантик тизим битта бўлади, семантик тизим қолган ҳаммасини бошқарадигандай тасаввур қиламиз, чунки соғлом одамда мазкур тўрт малаканинг жиддий фарқи сезилмайди. Кўп китоб ўқиган одам яхши гапиради, яхши ёзади деб қаралади, бундай бўлмаса у истисно сифатида

этиборга олинмайди. Мазкур ёндашувга нейролингвистик тадқиқотлар чек қўйган. Нутқий патологияси бор беморлар кузатилганда, уларнинг гапириши ва тушунишида фарқ борлиги аниқланган. Масалан, Брока афазиясига чалинган беморлар гапни нисбатан яхши тушунади, бироқ яхши гапира олмайди, уларнинг нутқи телеграфик характерда бўлади. Шунингдек, афазияга чалинган киши бир нарсанинг номини оғзаки айтганда бошқача, ёзма ёзиб берганда бошқача айтиш ҳолатлари кузатилган. Масалан, Б.Рапп ва А.Карамача бир бемор расми ёзма ва оғзаки номлашда икки хил натижа кўрсатганлигини қайд этганлар<sup>1</sup>. Жумладан, беморга чўтканинг расми кўрсатилганида бемор ёзма жавобда “чўтка” деб ёзган бўлса-да, оғзаки жавобда “тароқ” деган. Шунингдек, пиёз расми кўрсатилганда ёзма “пиёз”, оғзаки “банан”, бойўғли расми кўрсатилганда ёзма “бойўғли” оғзаки “тошбақа” жавобларини берган. Бу каби тажрибалар натижалари умумлаштирилиб сўзнинг инсон онгида акс этиш модели яратилган. А.Эллис ва А.Йанг муаллифлигидаги ушбу модель марказида семантик тизим туради. Унда иккита қабул қилувчи тизим: кўриш таҳлил тизими ва эшитиш таҳлил тизими; иккита чиқувчи тизим: фонема даражаси ва графема даражаси мавжуд<sup>2</sup>.



1-расм. Эллис ва Янгнинг сўзни қайта ишлаш модели.

Эшитиш таҳлил тизими орқали нутқ товушлари қабул қилиниб олар экан, у аудио-кириш лексиконидаги мавжуд сўзлар билан солиштирилади ва сўз нутқий оқимдан ажратиб, сўз сифатида англанади, мазкур шаклга боғланган маъно фаоллашади. Моҳиятан олганда биз нутқни турли частоталарга эга товуш тўлқинлари сифатида қабул қиламиз. Мазкур тўлқинлар инсоннинг қулоқ пардасини турли частоталарда тебратади. Бу

<sup>1</sup> Rapp, B. C., & Caramazza, A. (1997). The modality specific organizations of lexical categories. *Brain and Language*, 56, 246-286.

<sup>2</sup> Ellis, A.W., & Young, A.W. (1988). *Human cognitive neuropsychology*. Hove, UK: Lawrence Erlbaum Associates Ltd.

тебранишлар инсоннинг эшитиш тизими орқали бош мияга узатилади. Биз эшитиб таниган сўз – бу бир хилда такрорланган тўлқин частоталари демак. Унинг маъноси эса ўша тўлқин частоталари гуруҳи қабул қилинганда инсон турган вазият билан боғлиқ ҳолда шаклланган бўлади. Шу зайдда инсонда аудио-кириш лексикони шаклланади.

Матнни ўқиганимизда эса биз текисликда акс этган турли чизиқлар мажмуини қабул қиламиз, улар графема деб аталади. Мазкур графемаларга маълум тил тизимидаги фонемалар шартли равишда боғланган бўлади. Инсонда ўқиш тажрибаси ортиб борар экан, у сўзларни ҳарфлаб эмас, бутун қабул қилиш даражасига чиқади. Бунда сўзнинг бошидаги ва охиридаги ҳарф муҳим бўлади. Графемаларнинг маълум комбинациялари кўп такрорланиши ортидан инсонда визуал кириш лексикони шаклланади.

Шифокорларнинг ёзуви хунук деган стереотип мавжуд. Улар ёзган рецептни нима учун бемор ёки оддий сотувчи ўқий олмайди, лекин дорихонадаги фармацевт ўқишда қийналмайди? Шифокор рецептда дориларнинг номини ёзади. Дориларнинг номи сўз сифатида бизнинг луғатимизда фаол қўлланувчи сўзлар сирасига кирмайди. Одатда, биз у дорининг номига биринчи марта дуч келамиз, яъни бизнинг визуал кириш лексиконимизда дорининг номи бирлик сифатида мавжуд эмас. Фармацевтнинг визуал лексиконида эса у сўз бор, шунинг учун шифокорнинг ёзуви қанчалик тушунарсиз бўлмасин, фармацевт ўзи таниган айрим ҳарфлар комбинациясидан гап айнан қайси дори ҳақида кетаётганлигини англай олади.

Инсон сўзлар экан унинг нутқ аппарати ишлайди. Уни ишлатишни инсон чақалоқлигида турли товушларни чиқариб синаб кўриш орқали ўрганайди. Бола талаффузда аввал товуш, кейин бўғин, кейин сўзга ўтиши ҳам нутқ аппаратини бошқаришни секин-секин, оддийдан мураккабга томон ўзлаштиришини далиллайди. Ўзбек болаларининг аксарияти *нон* эмас *нанна* дейиши бола ҳали нутқ аппаратини тўлиқ бошқара олмаётганини билдиради. Хусусан, *о* – лабланган унли, уни талаффуз қилиш лабланмаган унли бўлган *а* унлисига нисбатан кўпроқ ҳаракат талаб қилади. Сўзни ундош билан тугатиш ўпкадан оғиз бўшлиғи орқали чиқаётган ҳаво оқимини тўхтатиш демак. Унли билан тугатиш эса қўшимча ҳаракат талаб қилмайди. Шунинг учун бола сўзларни аввал нутқ аппаратини бошқаришни ўрганган даражасида талаффуз қилади ва бу одатда катталарнинг талаффузи билан бир хил бўлмайди. Бола ўзи талаффуз қилган сўзни эшитади ва катталарники билан солиштира олгани учун ўз хатосини англайди, ўз талаффузи устида ишлаши ортидан сўзларнинг тўғри талаффузини ўзлаштиради. Сўзни талаффуз этиш мураккаб жараён. Масалан, шу *нон* сўзини олайлик: ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими овоз пайчалари, оғиз бўшлиғи ва бурун бўшлиғига тақсимланиб, тилнинг олд қисмини танглайга теккизиб оғиз бўшлиғидаги ҳаво оқимини тўсиб, *н* ундошини талаффуз қилиш, кейин тилни пастга тушириб, тилнинг орқа қисмидаги мускулларни, лабларни ҳаракатлантирувчи мускулларни қисқартириш билан *о* унлисини талаффуз қилиш, кейин тилни яна аввалги жойига қайтариб *н* ундошини

талаффуз қилиш демакдир. Ҳар бир мускул қисқариши учун бош миядан алоҳида сигналлар жўнатилади. Маълум сўз қайта-қайта талаффуз қилинар экан, унинг талаффузи учун ишлайдаган мускулларга жўнатиладиган сигналларни бошқарувчи нейронлар ўртасида алоқа мустаҳкамланиб боради. Шу асосда инсонда оғзаки чиқиш лексикони шаклланади. Графемик чиқиш лексиконининг шаклланишида ҳам шу каби тамойилга амал қилинади, фақат унда қўлнинг ҳаракатини назорат қилувчи нейронлар гуруҳи ишлайди.

Битта сўз мисолида оғзаки ва ёзма шакл қабул қилишда ҳамда яратишда қандай фарқланишини кўриб чиқдик. Энди бевосита тилни қўллашдаги тўрт малаканинг ҳар бирига алоҳида тўхталамиз.

**Эшитиб тушуниш.** Эшитиш инсоннинг лисоний қобилияти шаклланишидаги асосдир. Инсон боласи ҳомилалик даврида эшитишни бошлайди<sup>1</sup>. Психолингвистик тадқиқотларда янги туғилган бола ўз она тилисини бошқа тиллардан фарқлаши исботланган. Инсон тилни эшитиб қабул қилади, шу асосда инсон онгида тил тизими шаклланади. Мактаб ёшига етган бола ўз мулоқот тажрибаси доирасида эшитиб тушуниш кўникмасига эга бўлади. Она тилини ўзлаштириш борасида қилинган тадқиқотлардан маълумки, бола оилада ота-онаси ва бошқа катталар томонидан қўлланган сўзлар ва гапларни ўзлаштиради. Демак, мактабга келган болаларнинг лисоний тажрибаси бир-биридан фарқ қилади. Мактабга келган бола ўзи кўниккан лисоний муҳитдан буткул фарқ қилувчи муҳитга тушади ва шунга мос равишда унга юкланган коммуникатив вазифа ҳам ўзгаради. У энди нутқни қисқа битта ё иккита гап ҳажмида эмас, дарс мавзуси доирасида қурилган каттароқ ҳажмдаги оғзаки нутқни эшитиб тушуниши, унда айтилган масалаларни билим сифатида ўзлаштириши лозим бўлади. Болада биринчи қийинчилик туғдирадиган нарса бу бола декодлаши, яъни тушуниши керак бўлган лисоний бирлик тузилиш жиҳатдан мураккаброқ ва ҳажман каттароқ бўлади. Боланинг онги бу ўзгаришга мослашиши учун эшитиб тушуниладиган материаллар соддадан мураккабга қараб бериб борилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, болада эшитиб тушуниш машқ қилдирилиши керак. Болага эшиттирилаётган матннинг диққат талаб қилдиган қисмларига урғу берган ҳолда болага топшириқ бериш болада эшитиш давомида диққатни ушлаш кўникмасини шакллантиради.

Тушуниш жараёни ўрганилганда шу нарса маълум бўлганки, эшитувчининг эмоционаллиги ва стереотиплари сабаб эшитувчи берилган матнни тўлиқ эшитмаслиги мумкин<sup>2</sup>. Бу ҳам эшитиб тушунишга ҳалал берадиган ҳолат бўлгани учун ўрта мактабдаги машғулотлар давомида алоҳида эътибор талаб қилади. Бола тушунишда йўл қўйган хатолари мунтазам равишда кўрсатилса ва хатонинг асоси тушунтириб борилса, бола

<sup>1</sup> Clark, Eve V. First Language Acquisition. New York: Cambridge University Press, 2003. Pp. xvi,515. ISBN 0-521-62997-7

<sup>2</sup> Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2008. Б. 124.

тушуниш жараёнини онгли равишда бошқаришга ўрганади.

Масалан, севги ҳақидаги бир кўшиқнинг клипида хонанда ва чолғучиларнинг орқасидаги фонда дунё харитаси турибди. “Кўшиқ глобал масала ҳақида эмас, севги ҳақида бўлса, клипда дунё харитасига нима бор?” деган савол кишини ўйлантиради. Саволнинг жавоби кўшиқ сўзларидан келиб чиқади: “*юрагимни чизиб бердим, қарамадинг, харитасин тузиб бердим, қарамадинг...*” Айни вазиятда харита сўзи билан дунё харитаси сифатида қабул қилинган.

Матннинг бир парчаси (айни вазиятда матндаги бир сўз) таъсирида юзага келган ассоциация тушунишнинг бошланғич даражасида онгда ҳосил бўлади ва матн мазмуни тўлиғича қабул қилинганда у четга чиқиши керак. Масалан, киши “*юрагим...харитасин тузиб бердим*” жумласини эшитиш жараёнида *харита* сўзини алоҳида қабул қилганда *дунё харитаси* тушунчаси унга ассоциация бўлиши мумкин. Аммо *харита* сўзини кўшиқ матни ичида у боғланган *юрак* сўзи билан бирга қабул қилар экан, унинг кўчма маънода қўлланганини хулоса қилади ва *дунё харитаси* тушунчаси тушуниш жараёнида бошқа иштирок этмаслиги керак. Келтирилган мисолда *дунё харитаси* тушунчаси клипга орқа фонгача етиб борганлигидан билиш мумкинки, *харитаси* сўзининг матн ичидаги маъноси реципиент томонидан қабул қилинмаган, балки алоҳида сўз сифатида қолиб кетган. Мазкур ҳолатлар бизга тушуниш жараёнидаги тафсилотлар ҳақида маълумот беради. Она тили ўқитувчисининг матнни тушуниш жараёнидан тўлиқ хабардор бўлиши, ундаги ҳар бир даражада қандай лисоний бирликлар ишлашини билиши боланинг тушунишига тўғри баҳо бериш ва унинг тушуниш қобилиятини ўстиришга хизмат қилади.

**Ўқиб тушуниш.** Мактабда биринчи синфда ҳарфлар ва ёзма матнни ўқиш ўргатилади. Кейинчалик ўқиш дарсларида матнни ўқиб тушуниш кўникмасига эътибор қаратилади. 5-синфдан кейин матнни тушуниш фақат адабиёт дарслари билан чекланади. Она тили дарсларида ҳам баъзан матндан парчалар берилади, аммо улар бевосита ўқиб тушуниш кўникмасини ривожлантиришга қаратилмаган. Адабиёт фани бадий матн билан ишлайди. Бадиият образлар билан иш кўрар экан, унда матнда қўлланган воситаларни тўғри декодлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмайди. Она тили фани доирасида эса грамматик қонун-қоидалар матндан узиб олинган алоҳида гаплар мисолида тушунтирилади, матнни тил бирлиги сифатида ўрганиш, таҳлил қилишга кўп эътибор қаратилмайди.

Матнни ўқиб тушуниш мураккаб психолингвистик жараён бўлиб, графемаларни таниш, сўзни ўқиш, сўзнинг луғавий маъносини, контекстуал маъносини англаш, синтактик структурани тўғри ҳал этиш (яъни сўзларнинг ўзаро муносабати, қайси сўз гапдаги асосий тушунчани, қайсилари унга тобе тушунчаларни ифодалаётганини англаш), шунингдек, матн мазмуний блокларининг ўзаро боғланишини тушуниш каби даражалардан иборат бўлади<sup>1</sup>. Мазкур даражалар матнни тушуниш, унинг мазмуний

---

<sup>1</sup> Ўша манба. 65-79.

проекциясини онгда ҳосил қилгунга қадар кечадиган жараёнлар бўлиб, матнни ўқиб чиққан ҳар бир ўқувчи мазкур даражалардан ўтиб матнни тўлиқ тушунади деб бўлмайди. Ҳар бир ўқувчининг қабул қилиш қобилияти ҳар хил бўлгани учун матнни бир хилда ўқиб чиққанлар тушунишнинг ҳар хил даражасида турган бўлади. Ўқитувчи ушбу даражаларни яхши билса, саволлар ёрдамида ўқувчининг қайси даражада турганини аниқлаши, матнни яхшироқ тушуниши учун йўналиш бериши мумкин бўлади. Она тили дарсликларидаги матн билан ишлаш машқлари ҳам мазкур назарий маълумотга асосланиши лозим. Масалан, матнни тушунишнинг дастлабки даражаси ассоциатив даража бўлса, унда ўқувчида матн мавзуси, матн услуби ва матндаги сўзларга ассоциациялар юзага келади. Кейинги даража бу лексик-морфологик даража бўлиб, бунда ўқувчи матндаги сўзларни ва уларнинг маъносини тушунади. Учинчи даража контекстуал даража бўлиб, унда сўзларнинг контекстуал маънолари англашилади. Фикримизча, матн билан боғлиқ машқларда айнан шу учинчи даражага кўпроқ урғу берилиши керак, чунки унда сўзларнинг матн ичида қандай маънода келаётгани англашилади, демакки, сўзлар алоҳида бирлик даражасидан матн мазмунининг таркибий қисми даражасига кўтарилади. Ўқувчига матнда маълум тушунчани ифодалаётган сўзларни ва сўз бирикмаларини топиш, матндаги жумлани ўз сўзлари билан ифода этиш каби топшириқлар сўзнинг контекстуал маъносига яхшироқ эътибор беришга ундайди. Шу каби машқлар асосида болада матнни диққат билан ўқиш кўникмаси шаклланиб боради.

**Оғзаки нутқ.** Инсон ҳаётининг дастлабки вақтиданок мулоқот эҳтиёжи сабаб тилни ўзлаштиради, гапиришга ҳаракат қилади. Йиллар давомида тажриба асосида оғзаки нутқ ўзлаштирилади.

Жонли суҳбатдан ташқари бирор нутқ сўзлаш талаб қилинган вазиятда жамиятимизда одатда, бир хил гаплар айтилганига гувоҳ бўламиз. Тўйда табрик айтилганда “Бахт тилайман, доим бахтли бўлинг” каби жумлалар, бирор кино ёки ҳодисага муносабат сўралганда аксарият сўзловчилар “менга ёқди, шундай кинолар кўпайсин” деб жавоб беради. Бундай нутқларда таҳлил, хулоса эмас, фақат муносабат акс этади. Мазкур муносабат ҳам ё салбий, ё ижобий бўлади. Ваҳоланки, ҳодисани ҳар ким ўз онги, ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб қабул қилади ва ҳар кимнинг ўз талқини бўлади. Ўрта таълимда боланинг оғзаки нутқи бирор фандан ўтилган маълум мавзунини гапириб беришда кўрилади. Бунда боланинг мавзунини билиш-билмаслиги баҳоланади, оғзаки нутқ маҳорати алоҳида эътиборга олинмайди. Она тили дарсларида оғзаки нутқ учун алоҳида машғулотлар ишлаб чиқилиши зарур. Бунда биринчи навбатда боланинг ўз фикрини лисоний воситалар ёрдамида тўғри ифодалаш, мавжуд луғат бойлигидан оқилона фойдаланиш, бир мавзудан четга чиқмай гапириш, нутқни тўғри структуралаштириш, яъни мавзуга кириш, асосий фикрни айтиш ва хулосалаш; айтадиган гапи эшитувчига қандай таъсир қилишини олдиндан баҳолай олиш, тингловчининг диққатини ушлаб туриш каби кўникмалар шакллантирилиб, такомиллаштирилиб борилиши зарур. Бу каби



машғулотларда фақат монологик нутқ билан чекланмасдан, суҳбат, баҳслар ташкил этиш, баҳсда ўз фикрини баён қилиш ва бошқаларнинг фикрини тинглаш, уларга муносабат билдириш каби кўникмалар шакллантирилиши керак. Инсон онгининг ишлаши тажрибага асосланади. Шунинг учун болада қайси кўникма ҳосил бўлиши мақсад қилинса, дарсларда ўша бўйича машқлар мунтазам ташкил қилиниш керак.

**Ёзма нутқ.** Ўрта таълимда қўлланадиган ёзма нутқ шакллари асосан, баён, диктант ва иншодан иборат. Баён ва иншода боладан ижодийлик талаб қилинар экан, у фақат бадийлик нуктаи назаридан баҳоланади. Мавзулар ҳам асосан бадий услубга мос ҳолда танланади. Маълумки, бадий матн учун бадий тафаккур зарур, бадий тафаккурнинг асосида инсоннинг индивидуал ҳаётини тажрибаси ётади, яъни маълум руҳий ҳолат ҳаётда кузатилган маълум предмет ё ҳодиса билан ассоциацияланади. Табиийки, профессионал ёзувчи ва мактаб ўқувчисининг ўртасида ёш жиҳатдан, ҳаётини тажриба жиҳатидан катта фарқ бор. Ёзувчи қўллаган жумла ва образлар ҳар доим ҳам мактаб ўқувчиси учун тушунарли бўлмаслиги мумкин. Тил таълимидаги бу номутаносиблик ўқувчи тил малакасининг ривожланишига салбий таъсир этади. Натижада, бола ўз мустақил фикрини ўз сўзларини баён қилмай, одатда эшитган тайёр жумлалардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Шу билан боғлиқ ҳолда бола ёзишга бўлган рағбатини йўқотиб қўйиши ёки умуман пайдо қилмаслиги мумкин. Ёзма нутқни ривожлантириш учун танланган машғулот мавзулари дарс берилётган вақт учун долзарб ва ўқувчи учун қизиқ бўлиши керак. Шундай мавзу танланиши керакки, бола ўша ҳақида фикр билдириш истаги кучли бўлсин. У хоҳ кеча бўлиб ўтган футбол матчи бўлсин ёки машҳур сериал бўлсин. Мазкур масалаларга бўлган қизиқишдан боланинг когнитив ривожланишини таъминлаш учун самарали фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, турли мавзу ва услубдаги матнлар юзасидан ёзма топшириқлар бажариш ўқувчининг ёзма нутқ ҳақидаги билими тасавурларини кенгайтиради. Бундай топшириқлар матндан маълум коммуникатив вазифада қўлланган сўз ва сўз бирикмаларини топиш, уларнинг нима учун қўлланганлигига изоҳ бериш, матн ичидан матннинг бир бутунлигини таъминлаб туришга хизмат қиладиган воситаларни аниқлаш, матн ва унинг бошқа муаллиф томонидан ёзилган баёнини қиёслаш каби машқлар ёзма нутқнинг чархланишига хизмат қилади.

Юқоридагиларни хулосалаб шуни айтиш мумкинки, ҳар қандай дарс психоллингвистик жараён дир, чунки бола унда тил воситасида берилган маълумотни декодлайди ёки ўз билимини ифодалаш учун кодлайди. Инсоннинг ҳар қандай когнитив кўникмаси тажриба асосида шаклланади. Мазкур хулоса сунъий онг яратишга уринишнинг дастлабки пайтида вужудга келган. Олимлар ҳатто шахмат ўйнашдай ўта мантиқий жараёнда ҳам тажриба ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллигини қайд этганлар. Бошқача айтганда, қондани ёдлаш ҳар доим ҳам уни амалда самарали қўллашни таъминлайди дегани эмас. Инсоннинг тил малакаларини қандай намоён қилиши вазият, тингловчи, руҳий ҳолат, кайфият, таассуб каби омиллар

билан тўғридан-тўғри боғлиқ экан, нутқ жараёнида бу омилларни ва уларнинг таъсирини фарқлай олиш нутқнинг назорат қилинишини қоидаларга нисбатан яхшироқ таъминлайди. Шунинг учун ҳам ўрта таълимда она тили дарслари эшитиб ва ўқиб тушуниш, оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилиши керак.

#### **Назорат саволлари:**

1. Тўрт хил лисоний малаканинг умумий ва фарқли жиҳатлари нимадан иборат?
2. Эшитиб тушунишда инпут – кириш сигнали нима?
3. Эшитиб тушуниш жараёнида перцептив бирлик нима?
4. Аудио-кириш лексикони нима?
5. Ўқиб тушунишда инпут – кириш сигнали нима?
6. Ўқиб тушуниш жараёнида перцептив бирлик нима?
7. Визуал-кириш лексикони нима?
8. Оғзаки нутқнинг моддий-физик асоси нима?
9. Оғзаки нутқ жараёнида продуктив бирлик нима?
10. Оғзаки-чиқиш лексикони нима?
11. Ёзма нутқнинг моддий-физик асоси нима?
12. Ёзма нутқ жараёнида продуктив бирлик нима?
13. Ёзма-чиқиш лексикони нима?

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2008.
2. Clark, Eve V. First Language Acquisition. New York: Cambridge University Press, 2003. Pp. xvi,515. ISBN 0-521-62997-7.
3. Ellis, A.W., & Young, A.W. (1988). Human cognitive neuropsychology. Hove, UK: Lawrence Erlbaum Associates Ltd.
4. Rapp, B. C., & Caramazza, A. (1997). The modality specific organizations of lexical categories. Brain and Language, 56, 246-286.

#### IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

##### 1-машғулот. Она тилининг ўзлаштирилиши.

**Ишдан мақсад:** Тил ўзлаштириш жараёнидаги ўзига хосликлар билан танишиш. Она тилининг ўзлаштирилиши йўналишидаги назарий тушунчалар ва тадқиқотлар билан танишиш. Бола нутқидаги ўзига хосликларни психолингвистик таҳлил қила олиш.

**Таянч иборалар:** *болалар нутқи, тил ўзлаштирилиши, ташқи таъсир, мулоқот, протосинтактик белгилар, семантик дифференсация, ташқи нутқ*

**Масаланинг қўйилиши:** Аввалдан психология ва тилшуносликда у ёки бу даражада ўрганилган. Психолингвистика юзага келгач, бу масала унинг марказий муаммоларидан бирига айланди. Бу масала юзасидан А.М.Шахнарович, С.Р.Ивамура, М.Потц, П.Кариссон, Р.Кокинг, К.Коппл, А.М.Петерс, М.Кел, Н.М.Хайлиз, Ж.Пирс каби бир қанча жаҳон психолингвистлари тадқиқот олиб борганлар. Ўзбек тилшунослигида эса Н.Саидрахимова, М.Қурбонова, Г.Искандарова каби олимларнинг ишлари мавжуд.

Болалар нутқини ўрганишнинг тилшунослик учун аҳамияти катта, чунки бола томонидан тилнинг ўзлаштирилишини текшириш ёрдамида тилнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси, инсонда лисоний қобилиятнинг шаклланиши каби масалаларга аниқлик киритиш мумкин.

Бола умрининг биринчи ҳафтасидаёқ ташқи таъсирларга жавоб бера бошлайди, онасини кузатади, эркалаганда жилмайишга ҳаракат қилади. Бола 3-5 ойлик даврида оёқ-қўлларини қандай қимирлатса, тилини ҳам шундай қимирлатади. Турли товушларни талаффуз қилади. Бир оз вақт ўтгач, бола ўзи ешитаётган товушларга тақлид қилишга ҳаракат қилади, яъни атрофидагилар билан ўзига хос мулоқотга кириша бошлайди. Бу бола онгида тил системаси шаклланаётганидан гувоҳлик беради. Бу система аввал жуда сода бовлса-да, секин-секин ривожланиб боради. 7-8 ойлик болалар бўғинга ўхшаш элементдан унли ва ундош товушлар (лаб-тиш соҳасида ҳосил бўлувчи м, д га ўхшаш ундошлар, тил орқа ундошлари г, к га ўхшаш гх, гк каби товушлар)ни талаффуз қилишга ўтадилар. Боланинг илк сўзлари катталар нутқидаги ойи, ая, опа, дада каби сўзларга ўхшаш бўлади. Кўпинча ўзбек болалари талаффуз қилган биринчи сўз “дада” сўзи бўлади. Турли тилларда юқоридаги сўзларга талаффуз жиҳатдан яқин бўлган сўзлар (даддй-инглизча, дада-ўзбекча, дядя-русча ёки папа- русча, опа-ўзбекча) айнан бир маънони англатмаса-да, бу сўзлар билан болага энг яқин инсонлар аталади.

2-3 ойлардан сўнг, яъни бола 10-11 ойлигида протосинтактик белгилар (эмоционал ҳарактерга эга) пайдо бўлади. Илк семантик дифференсация бола ўзини қандай ҳис қилиши билан боғлиқ бўлиб, аввал у филологик реаксия, кейинчалик еса семантик функция касб етади. Бола

ноқулай бўлган шароитда (қорни очса, совуқ қотса) бир типдаги сигналлар, қулай шароитда еса бошқа типдаги сигналларни беради. Болада тил системаси физиологик сигналлар базасида шакллана бошлайди. Аввал бошланғич, кейин еса ҳам семантик, ҳам фонетик жиҳатдан мураккаблашиб борувчи дифференсация бошланади. Кейинроқ семантика ривожланади, сўнг синтаксис. Бир ёшлар атрофида “сўз-матн”лар пайдо бўлади. Оддий интонацион контурлар ёрдамида аниқ дифференсациялар пайдо бўлади.

Бола 1,5 ёшга етганда икки сўзли гаплар ҳосил бўлади. Бу пайтда болада синтактик кўникма йўқдай кўникса-да, сўзлар орасидаги мантикий боғлиқлик сезилиб туради. Бола ўсиш жараёнида икки сўзли гаплар мураккаблаша бориб 3-4 сўзли гапларга айланади. Сўз кўпайиши билан структура мураккаблашади ва ўзига хос синтактик воситалар пайдо бўлади.

Бола нутқининг кейинги ривожланиш босқичи семантиканинг шаклланиши билан боғлиқ. Сўз аввал болада соф ситуатив ном сифатида ҳосил бўлган бўлса, энди унинг тушунчавий томони пайдо бўлади ва сўз умумий, бир қатор ҳолатларни характерловчи тушунчага айланади.

Икки ёшдан сўнг бола морфемика ва сўз яшаш қоидаларини ўзлаштиради. Бу даврда болаларнинг ўзига хос ижодкорлиги намоён бўлади. Боланинг ижтимоий эҳтиёжлари сўз бойлигига қараганда тезроқ ўсади. Шунинг учун бола сўз яшаш қоидаларини ўзлаштиради, улардан унумли фойдаланади. Кейинчалик бу ўзига хос хусусият катталар таъсирида йўқолади.

Бола ўз фаолияти давомида катталарга тақлид қилади, шу билан бирга ўзи ҳам катталардан ўзлаштиради доирасида мустақил ҳаракат қилади. Бола бошида катталардан фақат ташқи нутқий фаолиятни ўзлаштиради, бу пайтда у фақат овоз чиқариб ўйлайди. Агар унга бирор қийинроқ масала берилса, унда ҳеч қандай суҳбатдошга қаратилмаган ташқи нутқ пайдо бўлади. Бола катта ёшга етгандагина ичида ўйлашга ўрганади.

Тил системасини ўзлаштириш мураккаб жараён. Унинг қачон бошланиб қачон тугашини аниқ чегаралаш мумкин емас. Бу жараённинг энг фаол келувчи даври инсоннинг 3-5 ёшларига тўғри келади. Бу даврдаги бола нутқини ўрганиш тилшунослик учун муаммо бўлган кўпгина масалаларни ойдинлаштириш учун қимматли материаллар беради.

### **Ишни бажариш учун намуна**

**Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:**

1. Тингловчиларнинг тил ўзлаштириш жараёнидаги ўзига хосликлар ҳақидаги мулоҳазалари (мунозара, суҳбат).
2. Она тилининг ўзлаштирилиши йўналишидаги назарий тушунчалар ва тадқиқотларни ўрганиш.
3. Бола нутқидаги ўзига хосликларни психолингвистик таҳлил қилиш.

## ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

**1-машқ.** Берилган матнда қўлланган боланинг нутқига хос хусусиятларни аниқланг ва асосланг.

### Bo'g'irsoq

*Biy boyakan, biy yo'g'akan qadim-qadim zamonladda biy choy minan tampiy boyakan. Chol aytipti: "Tampiy, tampiy bo'g'issoq pishiyib bey". "Unimiz yo'g'", - dipti tampiy "Topib bey", - deпти. Keyin qoqir-qoqir bo'g'iysoq pishiyib tochchaga qo'yip qo'yganakan qochip ketipti bo'g'issoq. Ollidan ayiqpalvon chiqipti. Ayiqpalvon "Men sheni yeb qo'yaman", - dipti. "Meni yep qo'yma men shenga qo'shig' aytib beyaman". "Qani ayt-chi?"*

*Men bo'sirdoq Supyadagi un-uyvoq.*

*Buvamdan qochib teydim*

*Sendanam qochib ketaman, dipti-da qochib-qochib tetibdi. Keyin ollidan quyon chiqibdi. "Men sheni yeb qo'yaman", - dipti. "Meni yep qo'yma men shenga qo'shig' aytib beyaman". "Qani ayt-chi?"*

*Men bo'sirdoq*

*Supyadagi un-uyvoq.*

*Buvamdan qochib tetdim,*

*Ayiqdan qochib tetdim*

*Sennan qochish hech gapmas dipti-da qochib tetibdi. Keyin tetayotganakan ollididan tatta tulki chiqibdi. "Men seni yeyman bo'sirdoq, asalcha, bunningga chiqib qo'shig' ayt dipti".*

*Men bo'sirdoq*

*Supyatadi un-uyvoq.*

*Bobomdan qochib teydim*

*Momamnan qochib teydim,*

*Ayiqdan qochib teydim*

*Sennan qochish hich gapmas dipti-da qochib tetibdi. Keyin dumidan ushlavopti. Yep qo'yipti.*

*(matn ToshDO 'TAU talabasi Iroda Usmonova tomonidan yozib olingan)*

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** Biy – bir, bor ekan – boyakan, chol – choy, bilan-minan, kampir-tampiy.

R, l fonemalari talaffuz jihatdan nisbatan murakkabligi sabab y fonemasi

bilan almashtirilgan.

К fonmeasi til orqa undoshi, m, p – lab undoshlari. Bola uchun og‘iz bo‘shlig‘gida bir-biridan nisbatan uzoqroq turgan a‘zolari ketma-ket ishlatish og‘irlik qiladi. Shuning uchun *k* tovushi *k* ga nisbatan belgilari nuqtayi nazaridan yaqin turuvchi (ya‘ni ikkalasi ham portlovchi, ikkalasi ham til undoshi) *t* tovushiga almashtirilgan.

#### **Назорат саволлари:**

1. Инсонда лисоний қобилиятнинг шаклланиши масаласи қандай?
2. Боланинг ташқи таъсирга жавоблари қандай намоён бўлади?
3. Бола нутқининг кейинг ривожланиш босқичи ҳақида айтинг.

#### **Адабиётлар**

1. Alatis, James E. *Linguistics and the Education of Language Teachers: Ethnolinguistic, Psycholinguistic, and Sociolinguistic Aspects*. Georgetown University Round Table On Languages and Linguistics (Series); Georgetown University Press 1995.

2. Robinson, P. (Ed.) *Individual Differences and Instructed Language Learning*. John Benjamins Publishing Company. Amsterdam/Philadelphia. 2002.

3. Andrews, S. *Teacher language awareness*. Cambridge University Press. 2007.

4. Gagarina, N., Gülzow, I. (Ed.s) *The acquisition of verbs and their grammar: the effect of particular languages*. Springer. The Netherlands. 2008.

#### **Интернет материаллари:**

1. <https://www.cambridge.org/core/journals/applied-psycholinguistics>
2. <https://archive.org/details/appliedpsycholin0000tito>
3. <https://www.appliedpsychcoglab.com/>

#### **2-машғулот. Нутқнинг яратилиши ва қабул қилиниши бўйича психолингвистик моделлар**

**Ишдан мақсад:** Нутқ яратилиши ва қабул қилиниши масаласини ўрганиш. Нутқ яратилиши бўйича ҳам, қабул қилиниши жараёнларининг қандай босқичлардан иборатлиги ва у босқичларда қандай бирликлар билан иш кўрилишига эътибор қаратиш. Кодлаш ва декодлаш жараёнини ўрганиш. Делл модели, Левелт модели, Эллис ва Янг модели ҳақида тушунчага эга бўлиш.

**Таянч иборалар:** *нутқ яратилиши, нутқнинг қабул қилиниши, кодлаш ва декодлаш, Делл модели, Левелт модели, Эллис модели, Янг модели*

**Масаланинг қўйилиши:** Нутқий ифоданинг ҳосил бўлиши психоллингвистика шаклланаётган илк даврдаёқ асосий масалалардан бири сифатида кўриб чиқилган еди [Осгуд, 1954]. Рус психоллингвистикасида шу соҳада амалга оширилган ишни кўриб чиқамиз.

60-йиллар сўнггида А.А.Леонтев ва Т.В.Рябова(Ахутина) томонидан “Гапнинг туғилиш модели”(“Модель порождения речевого высказывания”) ишлаб чиқилди [Леонтев, 1968]. Л.В.Сахарний модел қуйидаги принциплар асосида ишлаганлигини қайд этади [Сахарний, 1989,44-48]:

1.Таҳлил элементлар эмас, балки бирликлар бўйича. Тадқиқотнинг бош предмети сифатида матн сегменти эмас, балки фаолиятнинг барча бирликларига эга бўлган элементар катакча олинади. Бундай катакча сифатида гап (высказывание) олиниши мумкин.

2.Н.А.Бернштйен томонидан ажратилган барча асосий белгиларни ҳисобга олиш зарурияти. Бунда 1)гап тузиш жараёнида фолиятнинг уч афзаллиги: дастурни режалаштириш фазаси, дастурни амалга ошириш фазаси ва таққослаш (назорат, зарур бўлса таҳрир) фазаси; 2)фаолиятнинг мақсадга қаратилганлиги ва далилланганлиги; 3)фаолият шартлилигининг иерархик организацияси назарда тутилади.

3.Эвристика. Гапнинг туғилиш механизми Миллер-Хомский моделида келтирилгандаги қатъий алгоритмик бўлиши мумкин эмас. Инсон гап тузишда ўз мақсадига мувофиқ йўлни танлайди.

4.Келажакни башорат қилиш еҳтимоллигининг механизмини ҳисобга олиш. Инсон ўзи боришни истаган келажакни башорат қилади. Бу инсонга хос фаолиятнинг, шунингдек, нутқий фаолиятнинг асосий принцидир.

Тадқиқот қуйидаги блоклардан ташкил топади:

1.Гапни грамматик – семантик тарафдан дастурлаш. Бу ерда, аввало, ички дастур тузилади. Ички дастур нутқий фаолиятнинг анча чуқур ва мавҳум даражасини намоён этади. Ички дастурлашда аниқ тил билан эмас, қандайдир умуминсоний нутқий қобилият билан боғлиқ бўлган элементлар бўлиши мумкин. Ички дастурлаш мавжуд еканлигини нутқ паталогиясидан олинган маълумотлар билан исботлаш мумкин. Масалан: динамик афазияларнинг бир кўринишида бемор алоҳида сўзларни билади, аммо ички дастурлашнинг йўқлиги туфайли у сўзларни бир-бирига боғлаб гап ёки бирикма туза олмайди. Муаллифлар ички дастурлаш хусусида қуйидаги фаразларни илгари сурадилар:

Биринчидан, дастур чизикли характерга эга, бу табиий, чунки бизнинг ташқи нутқимиз ҳам шундайдир. Иккинчидан, ички дастурлаш гапнинг ўзига хос компонентлари (субъект, предикат, объект каби йирикроқ ва умумийроқ сатҳ бирликлари) коррелятларини ўз ичига олади. Учунчидан, дастурлаш структураси сўзнинг ижтимоий маъноси билан эмас, “шахсий маънолар” билан боғлиқ. Тўртинчидан, ички дастурлаш моҳиятан ўзида предикация актини, яъни бирор нарсанинг нима биландир боғланишини

намоён этади. Шундай қилиб, ички дастурлаш бир турдаги элементларнинг кетма-кетлиги эмас, уларнинг боғланиши операцияларнинг қаторидир.

2. Гапнинг грамматик реализацияси ва сўз танлаш. Бу босқичда сўзловчи мавжуд аниқ тил томон жиддий қадам ташлайди. Шунинг учун унга бу йерда йетарли тил билими керак бўлади.

Сўз танлаш механизми ассоциатив тажрибалар таҳлили натижасида кўриш мумкинки (масалан, шизофрения билан оғриган беморларда) жуда мураккаб. А.А.Леонтев сўз излашнинг уч хил йўлини белгилайди: 1)сўзни семантик жиҳатдан ассоциатив излаш (бунда масалан, синоним сўзлар қатиридан изланади); 2)сўзни товуш жиҳатдан излаш (масалан, бу ҳолатда сўзловчи “нима еди-я, “ш”дан бошланарди” дейиши мумкин); 3)сўзнинг субйектив еҳтимоллик характеристикаси жиҳатдан излаш. Бунда А.А.Леонтев инсонда сўзнинг субйектив частоталари мавжудлигини кўрсатувчи тадқиқотларга таянади (Р.М.Фрумкина, А.П.Василивеч, прогноз речевой деятельности. М, 1974).

Гапнинг туғилиш механизми гап элементлари орасида қандайдир муносабатларни мустаҳкамлайди. Бу механизм инсоннинг оператив хотираси имкониятлари билан боғлиқ, чунки инсон бир вақтда маълум чегараланган бирликлар сони билан иш кўра олиши мумкин.

Гапнинг грамматик реализациясида ва сўз танлаш блокада жараёнларнинг қатъий кетма-кетлиги йўқ. Инсон нутқни аввал сўзларни танлаб, кейин уларни гапга айлантриб тузиши мумкин ёки аксинча, аввал гапнинг грамматик жиҳатини тузиб, кейин ўринларини сўзлар билан тўлдириш мумкин. Бу усулларнинг қай бирини қўллаш мулоқотнинг хусусиятларидан келиб чиқади.

3. Синтагмаларни моторли дастурлаш. У товуш танлаш, фонетик ва товуш жиҳатдан дастурлашнинг ташкил етилиши билан боғлиқ. Шундан сўнг гап талаффуз қилишга тайёр бўлади.

Таклиф этилган модел муаллифларнинг ўзлари айтишича, моделларнинг бутун бир синфини ўзида акс еттиради, яъни ўзигача мавжуд бўлган моделларни инкор етмайди, балки уларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Нутқий ифоданинг туғилиш масаласи психолингвистиканинг йетакчи муаммоларидан бири сифатида анча кенг ўрганилган.

Нутқнинг қабул қилиниши масаласи ҳам психолингвистика фан сифатида шаклланган илк даврда асосий муаммолардан бири ҳисобланиб кўриб чиқилган. Бу жараён ҳам нутқий ифоданинг туғилиш масаласи кани даражаларга бўлиб тадқиқ етилади. Ч.Осгудда бу даражалар учта: проекцион, интеграцион, репрезентатив.

Рус психологи Б.А.Ардентев ҳам нутқнинг қабул қилиниши ва тушунилиши уч ўзаро боғлиқ босқичда кичади деб тушунтиради. 1-босқичда олинган таъсир синтезланади. 2-босқич таҳлилий босқич бўлиб, унда қабул қилинган сигнал хотирадаги мавжуд образ билан солиштирилади. Бу босқичда лексик, грамматик ва фонетик билимларнинг бўлиши муҳим аҳамият касб этади. 3-босқичда ниҳояловчи синтез амалга ошади, бунда қабул қилинган ифоданинг бутун матн контексти билан ёки



бутун ситуация билан муносабати тахлил қилинади [Артемов, 1958, 110-111].

Бу соҳадаги тадқиқотларни умумлаштирувчи ва янги ёндашувни ўзида акс эттирувчи иш сифатида Й.В.Красиковнинг “Алгоритмы порождения речи” (Оржоникидзе, 1990) асарини айтиш мумкин. Шунга яқинроқ тадқиқот “восприятие речи в распознающих моделях” (Лвов, 1971) китобида схема тарзида берилди. И.А.Зимная бир қанча олимлар Н.Н.Ланге, А.П.Зинченко, Ч.Осгуд, Д.Фрай, Н.И.Жинкинларнинг нутқ қабул қилишига оид тадқиқотларни кўриб чиқиб, улар қуйидагича умумлаштирилади:

Барча моделларда: 1.Қабул қилинувчи сигналнинг қайта тузилиши:моменти белгиланади.

2. Сигналнинг хотирадаги мавжуд абстракт тасаввур билан солиштириш momenti ажратилади.

3.Хотирадаги бу образнинг нутқий органлар ва ешитиш анализаторида мавжуд бўлиши ташкил қилинади.

4.Нутқни қабул қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнида маълум бирликлар мавжудлиги тахмин қилинади.

5.Ҳал этиш ёки қарор қабул қилиш momenti белгиланади.

6.Нутқий сигнални ишлаб чиқиш изчиллик билан олиб борилиши тахмин қилинади.

7.Контекстуал ёки ситуатив шартлиликнинг априор гипотезаси илгари сурилади, яъни сўзни қабул қилишда унинг маъноси контекст ёки сўз бораётган ситуацияга оғлиқ ҳолда англашилади.

Нутқнинг қабул қилиниш жараёнини татбиқ этиш мураккаб, чунки бу жараённинг қандай кечишини кузатиб бўлмайди. Бу борада олиб борилган тадқиқотларни психоллингвистиканинг ютуғи сифатида баҳолаш мумкин.

### **Ишни бажариш учун намуна**

**Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:**

1. Тингловчиларнинг нутқ яратилиши ва қабул қилиниши масаласи ҳақидаги мулоҳазалари (мунозара, суҳбат).
2. Нутқ яратилиши бўйича ҳам, қабул қилиниши жараёнларининг қандай босқичлардан иборатлигини аниқлаш.
3. Тингловчиларнинг кодлаш ва декодлаш жараёнлари ҳақидаги мулоҳазалари (мунозара, суҳбат).

### **ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ**

**1-машқ.** Берилган матнда хатоларни аниқланг ва уни нутқ яратилиши механизми асосида тушунтиринг.

*Avvalambor har bir ishda yoki ilm olishda odamzod ba'zi bir qiyinchiliklarga, to'siqlarga duch kelishi muqarrar. Shu jumladan har qanday tilni o'rganayotganda ham bu to'siqlar mavjud bo'ladi. Bu to'siqlarni yengib o'tishda biz to'g'ri yo'lni tanlay bilishimiz kerak bo'ladi. Xatto ona tilimizni o'rganayotganda ham boshqa tillarga qaraganda ko'proq qiyinchilikka duch kelishimiz mumkin lekin kam emas.*

*Mening fikrimcha avval har qanday tilni o'rganayotganda avval grammatikani o'rganish kerak deb bilaman. Chunki grammatikani bilmay turib og'zaki nutqda va yozishda bexato harakat qilish mumkin emas. Inson nima deyotganini va gaplari nimalardan iborat ekanligini bilmasa keyinchalik muammolarga duch keladi. Avval grammatikani o'rgansa bilimi samarali va eng qadrli vaqtini tejagan bo'ladi. Lekin faqat grammatikaga e'tibor bermasdan shu bilan birga og'zaki nutq, yozish, yaxshi tushunishga bir xilda olib borilsa maqsadga muvofiq bo'ladi.*

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** иккита гапда гапнинг боши билан охири номувофик. *Mening fikrimcha avval har qanday tilni o'rganayotganda avval grammatikani o'rganish kerak deb bilaman.* Гап “менинг фикримча” деб бошланяпти ва охирида ҳам “деб биламан” жумласи ишлатилияпти. Бу гапни структуралаштириш босқичида хатога йўл қўйилганини билдиради.

#### **Назорат саволлари:**

1. Нутқ яратилиши қандай жараён?
2. Нутқнинг қабул қилиниши масаласи қандай?
3. Кодлаш ва декодлаш жараёни ҳақида фикрларингизни билдилинг.
4. Делл модели, Левелт модели, Эллис ва Ёанг моделларининг ҳақида айтинг.

#### **Адабиётлар**

5. Alatis, James E. *Linguistics and the Education of Language Teachers: Ethnolinguistic, Psycholinguistic, and Sociolinguistic Aspects.* Georgetown University Round Table On Languages and Linguistics (Series); Georgetown University Press 1995.

6. Robinson, P. (Ed.) *Individual Differences and Instructed Language Learning.* John Benjamins Publishing Company. Amsterdam/Philadelphia. 2002.

7. Andrews, S. *Teacher language awareness.* Cambridge University Press. 2007.

8. Gagarina, N., Gülzow, I. (Ed.s) *The acquisition of verbs and their grammar: the effect of particular languages.* Springer. The Netherlands. 2008.

### Интернет материаллари:

1. <https://www.cambridge.org/core/journals/applied-psycholinguistics>
4. <https://archive.org/details/appliedpsycholin0000tito>
5. <https://www.appliedpsychcoglab.com/>

### 3-машғулот. Матннинг тушунилишига таъсир этувчи лингвистик ва экстралингвистик омиллар

**Ишдан мақсад:** Матннинг тушунилиш жараёни бир томондан унинг шаклига, иккинчи томондан мазмунига боғлиқ эканлигини ўрганиш. Матннинг на шакли, на мазмунига боғлиқ бўлган омиллар мавжудлиги ҳақида маълумотга эга бўлиш. Ўқувчининг психологик ҳолати, умумий ҳаётий тажрибаси, унинг онгидаги стереотиплар, функционал саводхонлик даражаси каби омилларни ўрганиш.

**Таянч иборалар:** *матннинг тушунилиш жараёни, шакл, мазмун, лингвистик омиллар, экстралингвистик омиллар, ўқувчининг психологик ҳолати, умумий ҳаётий тажрибаси, унинг онгидаги стереотиплар, функционал саводхонлик даражаси*

**Масаланинг кўйилиши:** Нутқ товуши рецепторларга таъсир этар экан, инсон ўз лисоний тажрибасига асосланган ҳолда уларни тушунишга ҳаракат қилади. Инсон нотаниш тилга оид нутқни эшитганда ҳам ундаги танишдай кўринган сўзларга, фонемаларга, жуда бўлмаганда, оҳангга таяниб, унинг мазмуни ҳақида хулоса чиқаришга уринади. Товушларнинг механик қабули доимо унинг мазмуни ҳақида хулоса чиқариш (тушуниш) билан параллел кечади. А.А.Леонтьев матннинг қабул қилинишида «матннинг мазмуний таркиби босқичма-босқич синтез қилинар экан, бу синтез нутқий занжирнинг перцептив таҳлили ҳамда бунга параллел равишда кечувчи мазмуний таҳлил асосида амалга ошади»,- дейди. В.П.Белянин: «Қабул қилиш икки даражада амалга ошади-қабул қилишнинг ўзи ва тушуниш»,-деб ёзади. Ғарбий Европа, хусусан, нидерландиялик психолингвистлар Ж.Ван Беркум, С.Браун, П.Хагуртлар тушунишга қуйидагича таъриф берадилар: «Оғзаки нутқни тушуниш бу тасавурлар комплекси ва жараён тезлиги ўртасидаги мувозанатлаштирувчи актдир. Комплекслилик лисоний ва нолисоний билимларнинг турли манбалари ва дискурс контекстини ўз ичига олади. Тезлик эса нутқ суръатидан келиб чиқади. Билимнинг иккала манбаси ва нутқ суръати эшитувчи учун кўзгатувчи сигнал вазифасини ўтайди. Ҳар бир нутқий окимдаги фонологик, семантик, синтактик маълумот олдинги лексик, пропозиционал ва дискурс информация билан ассоциацияланади».

«Матнни қабул қилишнинг моҳияти реципиентда матннинг мазмуний образини (бошқача айтганда, матн проекциясини- И.А.) ҳосил қилишдир». Бу проекцияни ҳосил қилишда реципиентнинг онги призма вазифасини

ўтайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир реципиент ҳосил қилган матннинг мазмуний образи бир хил бўлмайди. Реципиент онгидаги мазмуний образнинг асл матн мазмунига адекватлиги унинг яхши тушунилгани ёки тўғри тушунилганлигини билдиради. Шунга асосан, тушунишнинг сифати даражалар билан белгиланади. Тушуниш даражаларининг ажратилиши турлича. В.П.Белянин тушуниш умумий ҳолатда учта даражадан иборатлигини таъкидлайди. Бошланғич даража энг умумий даража бўлиб, унда нутқий баённинг асосий предмети, гап нима ҳақида эканлиги тушунилади. Кейинги, мазмун мундарижани тушуниш даражаси тингловчи сўзловчининг нима ҳақида нималар деганини англайди. Учинчи даража энг юқори даража бўлиб, у қандай гап, нима учун ва қандай лисоний воситалар билан айтилганини тушуниш билан характерланади. Тушунишнинг бу даражаси сўзловчи томонидан танланган лисоний воситаларни баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Бир инсон тушунишнинг турли даражаларида турган бўлиши ҳам мумкин ёки бир аудиториядаги реципиентлар бир матнни бирга тингланганда ҳам тушунишнинг турли даражаларини намоён этиши мумкин.

Биз ўз тадқиқотимизда матнни қабул қилишнинг мазмуний жиҳатини ўргандик ва унга нисбатан «мазмуний перцепция» терминини қўлладик. Матн мазмуний перцепцияси реципиент онгида матн проекциясининг ҳосил бўлиши билан яқунланишини айтган эдик. Мазкур проекциянинг асл матн билан мослиги ёки мос эмаслигини реципиентлардан олинган баёнлар мисолида текшириш мумкин.

Баёнлар реципиент матн мазмуни ҳақида тўғри ё нотўғри хулоса чиқарганлиги ёхуд матнни тушунганлиги ё тушунмаганлигини таҳлил қилиш имконини беради. Биз «тушуниш» терминини матн мазмуни ҳақида реципиентнинг чиқарган хулосасига нисбатан қўллаймиз.

Инсоннинг психик фаолиятида объективлик ва субъективлик фарқланади. Матнни тушунишда ҳам шу жиҳатлар ажратилади. Матннинг тузилиши, ундаги сўзларнинг маъноси ва синтактик конструкцияларнинг тўғри ҳал қилиниши тушунишнинг объектив амалга ошишини таъминлайди. Тушунишнинг субъективлиги ижтимоий ва индивидуал-психологик омиллар боис юзага келади. Яъни объективлик ва субъективлик бир-бирига қарама-қарши қўйилар экан, тушунишнинг объектив амалга ошишига тўсқинлик қилувчи омиллар (масалан, таассуб, эмоционаллик) кучлилик қилганда тушуниш субъектив амалга ошади, дейиш мумкин.

Мазкур бобда тушуниш билан боғлиқ лингвистик ва экстралингвистик омилларга тўхталамиз. Газета матнининг ўзига хослиги сифатида газета сарлавҳаларининг тушунилишига алоҳида эътибор қаратамиз. Шунингдек, газета матнини тушунишда хабардорлик даражасининг аҳамияти, алоҳида сўзнинг матнни тушунишдаги аҳамияти каби масалаларни таҳлил қиламиз. Бу таҳлил тажрибалар асосида амалга оширилади.

## Ишни бажариш учун намуна

**Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:**

4. Тингловчиларнинг матннинг тушунилишига таъсир этувчи лингвистик омиллар ҳақидаги мулоҳазалари (мунозара, суҳбат).
5. Тингловчиларнинг матннинг тушунилишига таъсир этувчи экстралингвистик омиллар ҳақидаги мулоҳазалари (мунозара, суҳбат).

## ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

**1-машқ.** Жадвалда берилган сарлавҳалар ва уларга тажриба давомида берилган жавобларга қараб уларнинг тушунилишида роль ўйнаган лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқланг.

|   | <i>Сарлавҳалар</i>                       | Мақолани<br>нг<br>мазмуни<br>ҳақидаги<br>тўғри<br>жавоблар<br>сони | Мақолани<br>нг<br>мазмуни<br>ҳақидаги<br>нотўғри<br>жавоблар<br>сони | Эркин<br>ассоци<br>ациялар<br>сони | Жавоб<br>ёзмаган<br>рецепиен<br>тларнинг<br>сони |
|---|--|--|--|------------------------------------|--|
| А | Швеция кронада қоладиган бўлди           | 51   | 7  | 6                                  | 9  |
|   | Янги резолюция маъқулланмади             | 38   | 14   | 9                                  | 12   |
|   | Британия элчихонаси ўққа<br>тутилди      | 32   | 13   | 17                                 | 11   |
|   | Табиий офат Сеулга қимматга<br>тушмоқда  | <b>56</b>  | 2  | 15                                 | 0  |
|   | Телефон компьютер вазифасини<br>бажаради | 45   | 7  | 18                                 | 3  |
| Б | Ҳуқуқ амалдордами?                       | 18   | 42   | 12                                 | 1  |
|   | Кредитни кимга берган маъқул?            | 16   | 12   | <b>43</b>                          | 2  |
|   | Пулни деб ёлғон тўқиш шартми?            | 3  | 37   | 30                                 | 3  |
| В | <b>Шоирнинг «Саҳройи гуллар»и</b>        | 39   | 18   | 6                                  | 10   |
|   | Ингушетиеда портлаш                      | 50   | 4  | 7                                  | 12   |
|   | Косонсойда шундай гўша бор               | 37   | 12   | 12                                 | 12   |
|   | Ўзбек талаффузи                          | 27   | 30   | 11                                 | 5  |
|   | Ургутлик афандилар                       | 53   | 4  | 9                                  | 7  |

|   |                                  |    |           |    |           |
|---|----------------------------------|----|-----------|----|-----------|
|   | «Пахтабанк»нинг юксак унвони     | 32 | 24        | 7  | 10        |
|   | Бу уйнинг чироғи ҳамиша ёниқ     | 17 | 28        | 20 | 8         |
|   | Поклик                           | 8  | 51        | 10 | 4         |
| Г | Академия «Озодлик»ни судга берди | 21 | 26        | 9  | 17        |
|   | АҚШ грантлари тақдимоти          | 21 | 43        | 2  | 7         |
|   | Гуманитар инқироз ёқасида        | 5  | <b>46</b> | 2  | <b>20</b> |
|   | Абдулла - фирт шоир              | 21 | 35        | 6  | 11        |
|   | Террор:Made in America           | 23 | 35        | 7  | 8         |

### ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:

(а) гуруҳига мансуб сарлавҳалар реципиентлар томонидан яхшироқ тушунилган. Сабаби, дарак гап шаклидаги сарлавҳаларда информативлик юкори бўлади. Агар бундай сарлавҳалар тил луғатининг фаол қатламидан бўлса, реципиентда мақоланинг умумий мазмуни ҳақида тўғри тасаввур уйғотади.

(б) типидagi сарлавҳалар айнан саволга жавоб шаклидаги ассоциацияларни юзага келтирган. Бундай гапларнинг матн сарлавҳасида ёхуд матн ичида қўлланиши реципиент онгида ўз жавобини ёки мақолада сўз юритилаётган мавзуга муносабатини фаоллаштиради.

(в) типига оид сарлавҳаларга ҳам мос ассоциациялар кўпроқ келтирилган (масалан, «Шоирнинг «Саҳрой гуллар»и» - 39та, «Ингушетиеда портлаш»- 50та, «Пахтабанк»нинг юксак унвони»-32та, «Косонсойда шундай гўша бор» - 37та). Мазкур тип сарлавҳалар бошқа тип сарлавҳаларга нисбатан кўпроқ қўлланади. Хусусан, мактаб дарсликлариди, газета, журналларда, телевидениеда. Уларнинг тушунилишидаги бу ўртача кўрсаткични шу билан изоҳлаш мумкин бўлади.

(г) Сарлавҳаларнинг таркибида сўзларнинг реципиент учун ноодатий бўлган контекстда қўлланиши ёки нотаниш сўзлардан сарлавҳадан фойдаланиш алоҳида сўзларнинг ассоциацияларини юзага келтиради.

#### Адабиётлар

9. Marchman, V.A., and Dale, P., S. (2017) Assessing Receptive and Expressive Vocabulary in Child Language. *Research Methods in Psycholinguistics and the Neurobiology of Language*. John Wiley & Sons, Inc. 2018. Pp. 40-68.

10. Friend, M., & Keplinger, M. (2003). An infant-based assessment of early lexicon acquisition. *Behavior Research Methods, Instruments, & Computers*, 35, 302–309. <http://doi.org/10.3758/BF03202556>

11. Hoff, E. (2003). The specificity of environmental influence: Socioeconomic status affects early vocabulary development via maternal speech. *Child Development*, 74, 1368–1378. <http://doi.org/10.1111/1467-8624.00612>

12. Qurbonova M. O‘zbek bolalar nutqi leksikasining sotsiopsixolingvistik tadqiqi. Toshkent, 2014.

13. Lutfullayeva D., Qurbonova M. Bolalar nutqiga xos deyktik birliklarning fonopragmatik tahlili. // O‘zbek tili va adabiyoti. 2013. - №6. - B.22-

#### **Интернет материаллари:**

1. <https://www.cambridge.org/core/journals/applied-psycholinguistics>
6. <https://archive.org/details/appliedpsycholin0000tito>
7. <https://www.appliedpsychcoglab.com/>

#### **4-машғулот. Матннинг тушунилиши: даражалар ва birlikлар**

**Ишдан мақсад:** Матннинг тушунилиши мураккаб жараён эканлиги ҳамда параллел кечадиган бир неча даражалардан иборат бўлиши ҳақида маълумотга эга бўлиш. Матнни тушуниш ҳар қандай таълимнинг асосини ташкил қилиши, шунинг учун мазкур жараёни психоллингвистик таҳлил қилиш ва шу асосда мазмунни етказишда самарадор усулларни топиш.

**Таянч иборалар:** *матннинг тушунилиши, матн даражалари, матн birlikлари, ассоциатив тажриба*

**Масаланинг қўйилиши:** Матн перцепцияси мураккаб жараён сифатида турли аспектларда ўрганилган. Буларнинг асосийлари сифатида квантитатив, когнитив, психологик ва психоллингвистик йўналишларни кўрсатиш мумкин.

Психология тилнинг қабул қилинишини инсоннинг бошқа перцептив фаолиятлари қаторида ўрганади ва асосан, тилнинг қабул қилиниши улардан нимаси билан фарқ қилишига эътибор қаратади. Перцепция даражалари ҳам шулар асосида ажратилади. Масалан, Н.И.Жинкин мазмуний перцепция жараёнида нутқий сигнални сенсор-перцептив қайта ишлашнинг 7та даражасини фарқлайди. Биринчи даражада синтетик-акустик образ таҳлил қилинади ва тартибланади. Иккинчи даражада белгилар ажратилади ва гап ҳақида хулоса қилингунича хотирада ушлаб турилади. Учинчи даражада фарқли белгиларни ажратиш асосида сўзнинг дастлабки синтези амалга оширилади. Тўртинчи даражада сўз тўлиқ синтез қилинади. Бешинчи даражада сўзнинг маълум гапга мансублигини белгиловчи жиҳатларининг синтези амалга оширилади. Олтинчи даражада тўлиқ хабарнинг мазмунини аниқ белгилаш мақсадида анализ ва синтез қайтадан амалга оширилади. Еттинчи даражада мазмун тушунилади ва у

маълум шаклда саклаб турилади<sup>1</sup>.

Айнан матннинг мазмуний перцепциясини Т.А.Дроздова тажрибавий тадқиқ этиб, 3 та асосий даража ҳамда уларнинг таркибида 8та ички даражани ажратади. Даражалар тахмин, субъектив баҳо, диққат, хулоса, аргументация каби психологик тушунчалар асосида белгиланган<sup>2</sup>.

Когнитив психология вакиллари дискурснинг тушунилишида 5та даражани фарқлайдилар:

- а) ташқи код даражаси;
- б) матний база даражаси;
- в) вазият базаси даражаси;
- г) коммуникация даражаси;
- д) матн жанри даражаси<sup>3</sup>.

Т.А. ван Дейк тил қўлланишининг когнитив назарияси бўйича амалга оширган бир тадқиқотида Ливан президентлигига номзод В.Жмайелнинг ўлдирилиши ҳақидаги 700 та хабарни 100 та давлатда чиқувчи 250 газета мисолида ўрганиб чиқади. «Банкок пост» газетасида (1982 йил, 18 сентябрь) босилган хабарни структур жихатдан таҳлил этади. Олим газета матнини тушунишнинг бта даражасини ажратади. Тушуниш жараёнида матннинг мазмуний структураси ўқувчи томонидан қандай қайта ишланишига эътибор қаратади<sup>4</sup>.

Т.А. Аполлонская, Е.В. Глейбман, И.З. Маноли хабар қабул қилинишининг 3та асосий даражасини белгилайдилар:

- вербал-синтагматик даража;
- десигнатив даража;
- денотатив даража.

Вербал-синтагматик даража ўз навбатида фонетик (график) даража, лексик-морфологик даража ва синтактик даражаларга бўлинади. Десигнатив даража эса операционал-десигнатив даража ва бошқарувчи даражаларга бўлинади<sup>5</sup>.

Колин М. Браун, П.Хагурт, М.Кутас қуйидаги даражаларни фарқлайдилар:

- а) сигнални бошқа сигналлардан фарқли ўлароқ нутқий сигнал сифатида англаш;
- б) сигналнинг таркибий қисмларга сегментацияси;
- в) сегментация қилиш жараёнининг маҳсулига асосланган ҳолда ментал лексиконга чиқиш (доступ);
- г) лексикондан мос сўзни танлаш;
- д) охириги сўзни ҳисобга олган ҳолда гап учун мос грамматик структурани тузиш;

<sup>1</sup> Жинкин Н.И. Механизмы речи. -М., 1958. -С.117-124.

<sup>2</sup> Дроздова Т. А. Психологические особенности понимания текста как процесса// Психологические механизмы порождения и восприятия текста. Сборник научнѹх трудов. МГИИЯ Вып. 23. -М., 1985. -С.111

<sup>3</sup> Grasser A.C., Millis K.K. and Zwaan R.A. Discourse comprehension. Psychology. 1997. 48: -P.167-169

<sup>4</sup> Ван Дейк Т.А. Структура новостей в прессе// Язык. Познание. Коммуникация. -М., 1989. -С.252-253

<sup>5</sup> Аполлонская Т.А., Глейбман Е.В., Маноли И.З. Порождающие и распознающие механизмы функциональной грамматики. -Киев, 1987. -С.42-47.



е) гап таркибидаги сўзлар ўртасида семантик алоқани ўрнатиш <sup>1</sup>.

Биз матний перцепциянинг даражаларини ажратишда юқорида қайд этилган моделларга ва тажрибамиз материалларига таяндик.

Когнитив моделларда матн специфик, асосий объект сифатида олинган бўлса, психологик моделларда инсон объект сифатида олинади, психолингвистик моделларда матн нутқий оқим сифатида қаралади.

Биз матнни алоҳида бирлик сифатида олиб, перцепция жараёнида унинг қандай парчаланиши, матн қандай бирликлардан бошлаб қабул қилиниши ва яхлит матн тушунилгунга қадар бирликлар қандай ўзгариб боришига эътибор қаратдик. Тажриба материаллари перцепциянинг куйидаги даражаларини ўзида намоён этади:

а) стимул (ёки таъсир этувчи) матндаги лисоний факторлар (сема, услуб, шакл) асосида ассоциацияларнинг юзага келиши;

б) ассоциацияларнинг матнга хос сўзлар билан алмашилиши ёки матндаги сўзларнинг айнан эслаб қолиниши;

в) эслаб қолинган сўзларнинг контекстуал маъноларининг конкретлашилиши, хусусан, сўзларнинг бирикмалар, бирикмаларнинг синтагмалар даражасига чиқиши;

г) стимул матнга хос мазмуний структуранинг шаклланиши;

д) яхлит матн проекциясининг ҳосил бўлиши.

Бу даражаларни муайян кетма-кетликда қатъий амалга ошади, деб бўлмайди. Битта матннинг перцепцияси давомида бу даражаларнинг ҳаммаси ишлаши мумкин, худди шунингдек, перцепция жараёни буларнинг айримлари билан чегараланиши ҳам мумкин. Бу даражалар умумий перцепция жараёнининг тенг ҳуқуқли ташкил этувчиларидир. Нутқий вазият, реципиентнинг перцептив қобилияти, тафаккури билан боғлиқ ҳолда бу даражаларнинг улуши ўзгариши мумкин.

**Дастлабки даража**да реципиент онгида ассоциациялар юзага келади. Ассоциацияларнинг юзага келишини перцепциядаги «бўшлик»ларни тўлдиришга уриниш сифатида характерлаш мумкин. Бу «бўшлик»лар ташки таъсирнинг натижаси (масалан, шовқин) ёки реципиент онгидаги чекланишлар (масалан, диққатнинг бўлиниши, таассуб, перцептив қобилиятнинг сустлиги) натижаси сифатида юзага келиши мумкин.

Парадигматик ассоциациялар матндаги бирор сўзга маъно жиҳатидан ёки шакл жиҳатидан ўхшаш бўлади. Тажриба давомида парадигматик ассоциацияларнинг кузатилиши декодлашда қисқа муддатли хотирада сўз ёки бирикманинг шакли сақлаб қолинмаганлигини билдиради.

Маъно жиҳатидан стимул матндаги сўзга яқин турувчи ассоциатив сўз реципиентга матнни тушунишда деярли халал бермайди. Масалан, I-51-рақамли реципиент «мамлакатимизда» сўзининг ўрнига «юртимизда» сўзини қўллаган ва стимул матндаги биринчи гапнинг мазмунига зарар етмаган: *«Юртимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва*

---

<sup>1</sup> Brown Colin M., Hagoort P., Kutas M. Postlexical Integration Processes in Language Comprehension: Evidence from Brain- Imaging research // The New Cognitive Neurosciences. Ed. Michael S. Gazzaniga. Massachusetts Institute of Technology, 2000. -P.881.

*таълим соҳаси мутахассисларидан иборат делегация Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва телекоммуникация агентлигида бўлди» (I-51). Ёки «бош директор» ўрнига «бошлиғи» қўлланган ҳолат: «Ахборот агентлиги бошлиғи Абдулла Орипов билан музокаралар олиб борди» (I-17).*

Худди шундай ҳолатни иккинчи тажрибада зиёрат сўзига саёҳат сўзининг ассоциация бўлганида кўришимиз мумкин: «У гўзал ва қадимий Самарқандга саёҳат қилди» (II-10).

Стимул матн таркибидаги лисоний воситаларга шаклан ўхшаш бўлган ассоциациялар, маъноси стимул матндаги сўздан узоқ бўлса, матнни тўғри тушунишга халал беради. Масалан, 18-рақамли реципиентнинг баёнида «делегация» сўзининг маъноси тушунилмаганлигини берилган гапдан кўриш мумкин: «*Икки томонлама ҳамкорлик делегацияси бўлиб ўтди*». Худди шу «делегация» сўзига ассоциация бўлиб «конференция» сўзи чиққан ва: «*Бу конференцияда ахборот технологияси, ишбилармонлик ривожлантириши масаласи кўрилди*»<sup>1</sup>. «Делегация», «конференция», «комиссия» сўзларида маъновий эмас, балки шаклий ўхшашлик асосидаги ассоциатив боғланиш бор. Маъно хусусидаги информация етарли бўлмагач, шакл ўз-ўзидан муҳим омилга айланган.

Иккинчи тажрибада эса жабҳа сўзининг ўрнига жаҳон сўзининг қўлланганини кўрамиз: «*Мамлакатимизда бошқа жаҳонлар каби олий таълим соҳасига ҳам катта эътибор берилаётган экан*» (II-13).

Тажриба натижаларида синтагматик ассоциацияларнинг мавжудлиги реципиент онгида сўзнинг маъноси декодланиши билан биргаликда сўзнинг гапдаги ўрни ва мавқеига оид маълумотлар бўйича ҳам таҳлил бошланганлигини билдиради. Синтагматик ассоциациялар матнни тушунишга кўпроқ халал беради. Бизнинг тажрибамизда «келишиб олинди», «шартнома тузилди», «ютуқларни қайд қилиб боришди», «имзоланди», «алоқа ўрнатилди», «алоқа воситаси» кабилар синтагматик ассоциация бўлган. Синтагматик ассоциациялар асосида асл матннинг мазмунига мос бўлмаган қуйидаги гаплар тузилган: «*Бундан ташқари икки томонлама сармоявий шартнома тузилди*» (I-49) «*Икки томонлама шартнома имзоланди*» (I-37), «*Мана шу соҳада Ўзбекистонда қилинаётган ютуқлар қайд қилинди*» (I-13), «*Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари директори Абдулла Орипов Малайзия делегацияси ўртасида икки томонлама шартнома имзоланди. Шартнома Республикаимизнинг олий ўқув юртининг нуфузли ўқувчиларини танлаб олишни мақсад қилиб қўйишди*» (I-14).

Синтагматик ассоциацияларнинг матнда дискогерентликни келтириб чиқариш эҳтимоли юқори. Ассоциация сифатида юзага келаётган бирикма ўзига яқин турган сўздан келиб чиқади. Бунда гапнинг бошидаги эгага ўртадаги тўлдирувчи ёки ҳолга ассоциацияланаётган кесим мос келмай қолиши мумкин. Юқорида берилган мисоллардаги мавжуд хатоларни шу билан изоҳлаш мумкин.

<sup>1</sup> Реципиентлардан олинган баёнларни аслидай сақлаб қолиш мақсадида реципиентлар йўл қўйган грамматик, услубий хатолар тузатилмади.

Синтагматик ассоциациялар предикативликка эга бўлгани учун ҳам матннинг умумий мазмунини ўзгартириб юбориши мумкин.

Реципиентлардаги ассоциацияларнинг юзага келиши стимул матн мавзуси, услуби билан ҳам боғлиқ бўлади. Бизнинг мисолимизда реципиентларда юзага келган ассоциацияларнинг баъзилари публицистик услуб доирасида қўлланувчи лисоний бирликлардир. Бу каби ассоциациялар реципиентларнинг қайдларидан ўрин олганлиги матн мазмуний перцепциясининг дастлабки даражалариданоқ қабул қилинаётган матннинг услуби хусусида хулосалар қилинишидан далолатдир.

Юқоридагиларга асосланиб, айтишимиз мумкинки, ассоциатив даражада сўзларнинг маънолари декодланиши билан бирга уларнинг гап таркибидаги, матннинг мазмуний блоки таркибидаги ўрни ва мавқеи хусусида ҳам таҳлил бошланади.

Кейинги даража бу **лексик-морфологик даража** бўлиб, унда аввалги даражада бошланган декодлаш ва таҳлил давом этади. Ассоциатив даражада бу таҳлилнинг натижаси ассоциатив сўзлар бўлса, лексик-морфологик даражада таҳлилнинг натижаси асл матндаги сўзлар ва сўз шакллари бўлади.

Реципиентда стимул матндаги сўз қабул қилинишида унинг маъноси тушунилиши ва шакли хотирада айнан сақланмаслиги мумкин. Маъно тушунарли бўлганлиги учун шу сўзнинг синоними ассоциация сифатида юзага чиқади. Матнни қайта эшитиш жараёнида сўзнинг матндаги шакли яхши эслаб қолинади.<sup>1</sup>

Учинчи, яъни **контекстуал даражада** тушунилаётган мазмун сўзлар даражасидан бирикмалар ёки синтагмалар даражасига кўтарилади. Бу ҳолатни биринчи тажрибада берилган матнни иккинчи марта, учинчи марта эшитишдан сўнг қайд этилган лисоний воситаларда кузатдик. 47-бетдаги жадвалда реципиентларнинг матнни уч марта эшитишдан сўнг қайд этган воситаларини келтирдик. Бунда биринчи босқичда сўзларнинг алоҳида-алоҳида эслаб қолинганлигини, иккинчи босқичда алоҳида сўзлар бирикмалар шаклида қайд этилганлигини, учинчи босқичда синтагмалар эслаб қолинганлигини кўришимиз мумкин.

Бу даражада аввалги даражаларда бошланган сўзнинг мазмуний блокдаги мавқеи (яъни мазмуний блоklarнинг боғланишидаги иштироки) хусусидаги таҳлил давом этади. Сўзларнинг локал контекстдаги, яъни бир-икки гап доирасидаги, иштироки юзасидан дастлабки хулосалар қилинади.

Тўртинчи, яъни **структурал даражада** стимул матнга хос мазмуний блоklarнинг шаклланиши ва тартибланиши рўй беради. Бу даражанинг кўрсаткичларини аввалги даражаларники каби кузатишнинг имкони йўқ. Матн блоklarининг ҳажми катталиги сабаб улар инсоннинг хотирасида айнан сақланиши қийин. Аммо тажрибанинг биринчи босқичи давомида реципиентлар айрим блоklarга тегишли сўзларни аввал, бошқа блокка тегишли сўзларни кейин қайд этганини кўрдик. Яъни 1-эшитишда маълум

---

<sup>1</sup> Дастлабки эшитишда қайд этилган ассоциацияларнинг матнга хос сўзлар билан алмашилишига доир мисоллар диссертациямизнинг 44-45-бетларида берилган.

блокнинг сўзлари бошқаларига нисбатан кўпроқ эслаб қолинади, 2-эшитишда бошқа блокнинг сўзлари кўпроқ эслаб қолинади. Қайси блокнинг сўзлари кўпроқ эслаб қолиниши баёнда шу блокнинг тўларок ифодаланишини таъминлайди.

Умумий ҳолатда маълум блокка кўпроқ эътибор қаратилиши матн ичида блоклар мувозанати (мутаносиблиги)ни бузади ва шу билан матннинг яхлитлигига путур етказади.

Охири, яъни **матний даражада**, реципиент онгида матннинг проекцияси ҳосил бўлади. Бу даража ҳар доим ҳам амалга ошавермайди.

Тажрибалар давомида ҳамма матнни баравар тинглаган, бир хил вақт ичида ўқиб чиққан бўлса-да, олинган баёнлар реципиентларнинг мазмуний перцепциянинг турли даражаларида турганлигини кўрсатди. Баёнлар перцепциянинг турли даражаларини намоён этишига кўра қуйидагича бўлинди:

## 2.12жадвал

Перцепциянинг қайси даражасини акс эттиришига кўра баёнларнинг статистикаси

|  | 1-тажрибада | 2-тажрибада |
|--|-------------|-------------|
| Лексик-морфологик даражани акс эттирувчи баёнлар | 13          | 5           |
| Контекстуал даражани акс эттирувчи баёнлар       | 17          | 21          |
| Структурал даражани акс эттирувчи баёнлар        | 26          | 52          |
| Матний даражани акс эттирувчи баёнлар            | 4           | 10          |

### Ишни бажариш учун намуна

**Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:**

6. Тингловчиларнинг матннинг тушунилиши мураккаб жараён эканлиги ҳамда параллел кечадиган бир неча даражалардан иборат бўлиши ҳақидаги мулоҳазалари (мунозара, суҳбат).
7. Матн сарлавҳаларини психоллингвистик таҳлил қилиш.

### ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

**1-машқ. Қуйидаги матнларни таҳлил қилинг ва тушунишнинг қайси даражасини акс эттираётгани ҳақида хулоса қилинг.**

Стимул матн:

Малайзия делегацияси Тошкентда

*Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва*

*таълим соҳаси мутахассисларидан иборат делегация Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлди.*

*Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Абдулла Орипов билан учрашувда ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасида икки томонлама сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг тобора мустақамланиб бораётгани таъкидланди.*

*Мулоқот чоғида юртимиз мутахассисларини Малайзиянинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишини ташиқил этишига оид масалалар ҳам муҳокама қилинди.*

#### **I-59-рақамли реципиентнинг баёни:**

*Мамлакатимизга ташириф буюрган Малайзия ишбилармон ва ахборот агентлиги Республикамиз Бош вазир ўринбосари Абдулла Орипов билан учрашув чоғида фикр алмашилди.*

*Республикамиз масалалари муҳокама қилинди. Учрашув чоғида Малайзияда таҳсил олиш режалаштирилди.*

#### **I-20-рақамли реципиентнинг баёни:**

*Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия делегацияси аъзолари ва таълим соҳасидаги ишбилармонлар Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникация агентлиги бош директори Ўзбекистон Республикаси бош вазири Абдулла Орипов билан сармоявий келишув ҳақида мунозара олиб борилди. Икки томонлама келишувда ахборот ва телекоммуникацияни ривожлантириш муҳокама қилинди. Талабаларни чет эл олий ўқув юртларида ўқитиш каби масалалар муҳокама қилинди.*

**ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:** 1- баёнда Мамлакатимизга ташириф буюрган Малайзия, ахборот агентлиги, Бош вазир ўринбосари, Абдулла Орипов билан учрашув, муҳокама қилинди, таҳсил олиш, фикр алмашилди асл матнда мавжуд сўз бирикмалари ва синтагмалар. Реципиент мазкур лисоний воситаларнинг ички боғланишини тушунгани билан, гапнинг мазмунини тушуна олмаган. Шу сабаб бу лисоний воситаларни гап сифатида боғлай олмаган.

Шунингдек, *ишбилармон*, масалалари сўзлари ҳам асл матндан эслаб қолинган, бироқ *ишбилармон* сўзининг матндаги «-лари» қўшимчаси тушириб қолдирилган ва асл матндаги масалалар сўзига «-и» қўшимчаси қўшилган. Яъни, реципиент сўзнинг лексик маъносини тушунган, аммо сўзнинг матндаги ўрни ва вазифасини англай олмаган. Бу ҳолат баён ёзиш вақтида реципиент мазмуний перцепциянинг лексик-морфологик даражасида турганлигини билдиради.

2-баёнда эса Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия, Ўзбекистон Республикаси, агентлиги бош директори, Абдулла Орипов билан, икки томонлама, муҳокама қилинди, олий ўқув юртларида, ахборот ва телекоммуникация асл матндан яхлит эслаб қолинган воситалар.

Эслаб қолинган сўз шакллари: *масалалар, ахборотлаштириш, телекоммуникация, ривожлантириш.*

Шунингдек, *ишбилармонлар* сўзида «-и»қўшимчаси тушириб қолдирилган, *бош вазир* биркмасига, аксинча, асл матнда бўлмаган «-и» қўшимчаси, *телекоммуникация* сўзига «-ни» қўшимчаси қўшилган.

Реципиент *ахборотлаштириш ва телекоммуникация агентлиги* бирикмасини қўллаган. Бунда у *ахборотлаштириш* тенг боғланган бирикманинг таркибий қисми эканлигини ва *агентлиги* сўзи билан тобе боғланиш ҳосил қилаётганини тушунган. *Сармоявий* сўзининг ҳам тобе боғланишли бирикманинг таркибий қисми (эргаш сўз) эканлигини билгани ҳолда асл матндаги *ҳамкорлик* сўзини эслаб қола олмаганлиги учун *келишув* сўзини қўллаган. Бундай бирикманинг ўзбек тилида қўлланмаслигини эътибордан четда қолдирган. Умуман, *сармоявий ҳамкорлик* бирикмаси тилимизда кенг қўлланмаслиги унинг бошқа реципиентлар томонидан ҳам эслаб қолинмаслигига сабаб бўлган.

Реципиент баённинг биринчи гапида кесимгача бўлган сўзларни тўғри боғлай олган, демак, ўзи қўллаган воситаларнинг контекстуал маъносини нисбатан яхшироқ англаган. Бу ўринда кесимнинг эгага мос эмаслигини икки хил сабаб билан тушунтириш мумкин. Биринчиси, асл матн блокининг топики яхши англалмаган. Иккинчиси, мазмун тушунилгани билан уни қайта яратаётганда реципиентнинг диққати бўлинган. Диққатнинг бўлиниши гапнинг ўта узунлиги туфайли юзага келган бўлиши мумкин.

Баёндаги кейинги гапда *келишув* сўзининг ноўрин қўлланганлигини кўрамыз. Охирги гап эса асл матнда берилган информациянинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигини акс эттиради.

Мазкур ҳолатлар реципиент баён ёзиш вақтида мазмуний перцепциянинг контекстуал даражасида турганлигини, яъни реципиент сўзларнинг контекстуал маъноларини ойдинлаштирганлиги, лекин асл матндаги гапнинг мазмунини яхлит ҳолда англашга улгурмаганлигини кўрсатади.

### **Назорат саволлари:**

1. Матннинг тушунилишида параллел кечадиган даражалар ҳақида айтинг.
2. Матннинг психоллингвистик таҳлили қандай амалга оширилади?
3. Ассоциатив даражанинг ўзига хосликларини тушунтиринг.
4. Лексик-морфологик даражанинг ўзига хосликларини тушунтиринг.
5. Контекстуал даражанинг ўзига хосликларини тушунтиринг.
6. Структурал даражанинг ўзига хосликларини тушунтиринг.
7. Матний даражанинг ўзига хосликларини тушунтиринг.

### **Адабиётлар**

1. Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи. Филология фанлари

номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2008.

2. Азимова И. Матнни тушунишга кўра баёнларнинг психолингвистик таҳлили. Тил ва адабиёт таълими. №4. -Т.: 2004. 25-30 б.

3. Азимова И. Матн перцепцияси даражалари Босма ЎЗМУ хабарномаси. № 3. - Т.: 2006. 33-36 б.

#### **Интернет материаллари:**

1. <https://www.cambridge.org/core/journals/applied-psycholinguistics>
2. <https://archive.org/details/appliedpsycholin0000tito>
3. <https://www.appliedpsychcoglab.com/>

#### **5-машғулот. Сўз маъносининг ўзлаштирилиши**

**Ишдан мақсад:** Сўз маъносининг ўзлаштирилиши юзасидан психолингвистик тадқиқотлар билан таништириш. Сўз маъносининг ўзлаштирилишида сўз частотасининг ва контекстнинг аҳамияти ўрганиш. Матнни қабул қилишда нотаниш сўзнинг матнни тушунишга қандай таъсир қилиши таҳлил қилиш. Сўз маъносининг ўзлаштирилишда стандарт конструкцияларнинг ўрнини ўрганиш. Нотаниш сўзнинг маъносини тушунишда ассоциатив реакциянинг аҳамиятини кўриб чиқиш.

**Таянч иборалар:** *сўз маъносининг ўзлаштирилиши, сўз частотаси, таниш бўлган сўз, нотаниш бўлган сўз, стандарт конструкциялар, ассоциатив реакция*

**Масаланинг қўйилиши:** Матннинг мазмуний перцепциясида матн ўз формал-семантик яхлитлигини сақлаб туради ва сўзлар унинг таркибий қисми сифатида, яъни матн тизимининг қонуниятларига бўйсунган элемент сифатида юзага чиқади. Матннинг тўғри ва тўлиқ тушунилиши учун реципиент ҳар бир сўзнинг алоҳида ҳолдаги маъносини яхши билиши муҳим. Бироқ маълум ҳолатларда реципиент учун нотаниш бўлган сўзнинг маъноси контекстдан англашилиб туради ёки таниш бўлган сўзнинг маъноси контекстда бошқа маъно касб этиши мумкин. Умуман, алоҳида сўзнинг маъносини билиш ёки билмаслик матнни тушуниш даражаларига таъсир этади. Бу масалани биз қуйидаги тажриба мисолида кўриб чиқамиз.

Тажрибада Тошкент Давлат Юридик институти қошидаги Академик лицейнинг I-III курс ўқувчиларидан 39 киши иштирок этди. Синалувчиларга «Ўзбекистон овози» газетасининг 2004 йил 15 май (59 (27234)) сонидagi «Японияда ўзбек ипакчилиги» мақоласидан 6 та сўз берилди ва уларга ёзма таъриф бериш сўралади. Сўнг шу мақола уч марта ўқиб эшитирилди ва баён олинди. Таъриф учун берилган сўзлар қуйидагилар: *префектура, экспонат, этнолог, коллекция, хомашё, ЮНЕСКО.*

Матн 152 та сўз (7 та гап) дан, 5 та мазмуний блокдан иборат.

Матн блоклари қуйидаги мазмунда:

1. Японияда ипакчилик кўрғазмаси бўлиб ўтди.
2. Кўрғазмада Ўзбекистон ҳам қатнашди.
3. Кўрғазма доирасида илмий-амалий анжуман бўлди.
4. 2020 йилда Буюк Ипак Йўлининг мавқеи ошади.
5. Ўзбекистонга япон туристларининг ташрифи кўпайиши мумкин.

Таҳлил жараёнида баёнлар дастлаб 2 та гуруҳга бўлинди: таъриф берилган сўзлар иштирок этган ва иштирок этмаган баёнлар.

Биринчи гуруҳ яна 4 га бўлинади:

А-Таъриф берилган сўз асл матнга мос бўлган контекстуал маънода қўлланган баёнлар (11 та).

В—Мазкур сўзлар бошқа контекстуал маънода қўлланган баён (3 та).

С-Сўз контекстда нотўғри қўлланган баёнлар (6 та).

Д-Айрим сўзлар тўғри, айримлари нотўғри қўлланган баёнлар (11 та).

Иккинчи гуруҳ яна 2 га бўлинди:

Е-тўғри тушунилган баёнлар (5 та).

Ғ-нотўғри тушунилган баёнлар (3 та).

Сўзга таъриф бериш реципиентларнинг сўзнинг луғавий маъносини қай даражада ўзлаштирганлигини ва бу ҳолат умумий матн контекстини тушунишга қандай таъсир қилишини кузатишга ёрдам беради. Фаол қатламга тегишли сўзни реципиент ўз нутқий тажрибаси давомида турли контекстларда қабул қилган бўлади ва ўзи ҳам бевосита қўллайди. Шунинг учун, одатда, бундай сўзларга таъриф беришда қийинчилик бўлмайди. Бирор сўзни тўлиқ таърифлай олиш инсоннинг шу сўзнинг маъносини яхши ўзлаштирганлигидан далолат беради.

Тажриба натижаларида реципиентлар сўзларга тўғри таъриф берган ҳолатлар, нотўғри таъриф берган ҳолатлар ҳамда таърифнинг ўрнига шу сўз қўлланган контекстни келтирган ҳолатларни кўриш мумкин.

Реципиентларнинг баёнларида эса сўзларнинг тўғри ёки нотўғри контекстда қўлланганлигини кузатдик. Тажриба натижалари статистикаси 16-жадвалда берилган.

**3.2-жадвал.** II тажриба бўйича сўзларга берилган таърифлар ва сўзларнинг реципиентлар баёнида қўлланиши.

| Таъриф учун берилган сўзлар | Матнни эшитишдан олдин |                |  | Матнни эшитгандан кейин               |   |
|-----------------------------|------------------------|----------------|--|---------------------------------------|---|
|                             | Тўғри таъриф           | Нотўғри таъриф | Таъриф ўрнига контекст берилган ҳолатлар | Сўз контекстда тўғри қўлланган ҳолати | Сўз контекстда нотўғри қўлланган ҳолати |
|                             |                        |                |  |                                       |   |



|            |           |          |           |          |           |
|------------|-----------|----------|-----------|----------|-----------|
| Префектура | -         | 1        | -         | 2        | <b>11</b> |
| Экспонат   | 21        | <b>6</b> | 5         | 5        | 2         |
| Этнолог    | 22        | 3        | 1         | 3        | 2         |
| Коллекция  | 13        | 2        | <b>20</b> | 2        | 5         |
| Хомашё     | 24        | 3        | 6         | 4        | 1         |
| ЮНЕСКО     | <b>29</b> | 1        | 1         | <b>9</b> | -         |

Тажрибада реципиент сўзларга қанчалик тўлиқ ва тўғри таъриф берган бўлса, матнни шунчалик яхши тушунган. Реципиент сўзга қандай таъриф берган бўлса, матнда ҳам, асосан, ўша маънода қўллаган. Масалан, бир реципиент *“экспонат-бу ҳар хил расм, янги чиққан нарсаларни кўрсатиш”*, -деб таъриф беради. Шу сўз иштирокидаги гапи: *«Европадан йиғилган қадимий атласлар экспонати бўлиб ўтди»* (II-Д9)<sup>1</sup>. Бу мисолда реципиент «экспонат» сўзини «кўргазма» сўзининг маъноси билан адаштиради. Ёки II-C1 реципиенти «коллекция» сўзига «ясатиб қўйилган нарсалар», деган таъриф беради ва қуйидаги гапда қўллайди: *«Япониянинг Гунма префектураси маркази Маебаши шаҳрида ипакчилик коллекцияси бўлиб ўтди»*. Бу ҳолатда эса «коллекция» сўзи «кўргазма» сўзи билан адаштирилган.

«Экспонат» сўзининг маъноси «кўргазма» сўзининг маъноси билан гипо-гиперонимик муносабат билан боғланган. Яъни «экспонат» сўзи қисмининг, «кўргазма» сўзи бутуннинг маъносини беради. Экспонат, албатта, ё музейда, ё кўргазмада намойиш этиладиган буюм. Экспонат ўз ҳолича кўргазма ё музейдан ташқарида экспонат бўла олмайди. Масалан, мактаб партаси фақат кўргазмадагина экспонат бўла олади. Кўргазмадан ташқарида эса у мактабга тегишли оддий мебелдир. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «экспонат» сўзига қуйидагича таъриф берилади: «Музей ва кўргазмаларда намойиш қилинадиган нарса, экспозицияга қўйилган нарса»<sup>2</sup>. «Кўргазма» сўзининг шу луғатдаги таърифи: «Кўриш, томоша қилиш учун қўйилган нарсалар ва шу нарсалар қўйилган жой» ва «Кўргазма экспонатлари» бирикмаси мисол сифатида келтирилади<sup>3</sup>.

Гипо-гиперонимик муносабатдаги сўзлар реципиент хотирасида шу алоқага кўра сақланади. Бунда бутунлик маъносини ифодалаётган сўзнинг маъноси доминант бўлади. Қисм маъноларини ифодалаётган сўзнинг маъноси етарли даражада ўзлаштирилмаган бўлса ёки шакли эслаб қолинмаса, бу сўзларнинг ўрнига бутунликни ифодалаётган сўз қўлланади. Бироқ реципиент бу сўзни билмаслиги мумкин. У маълум сўзларни бир контекстда ишлатилишига ўз нутқий тажрибаси давомида дуч келган бўлса, унинг онгида шу сўзлар учун умумий контекстуал маъно шаклланади. Бизнинг мисолимизда реципиент «экспонат», «кўргазма», «коллекция» сўзларнинг алоҳида маъноларини тушуна олмаган ва улар қўлланган

<sup>1</sup> Тажриба иштирокчиларининг рўйхати иловада берилган (қ.: 148-149-бетлар)

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –М., 1981. II жилд. -Б.442.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - М., 1981. I жилд. -Б.419.

контекстнинг мазмуни ҳақида «нимадир намойиш этилади» кабилидаги тасаввур ҳосил қилган. Шунинг учун «*Бир қанча экспонат музейлари ўтказилди*» (II-C6) гапидаги каби хатоликлар юзага келган.

Бу сўзларни тўғри тушунган реципиентлар баёнда ҳам уларни хатосиз қўллаганлар. Масалан, II-A10 реципиент «коллекция-бирор-бир аҳамиятга эга бўлган буюмлар, нарсалар, санъат асарларининг йиғилмаси; экспонат музейларда сақланадиган, тарихий аҳамиятга эга бўлган, қимматли нарсалар намунаси», -деб таъриф ёзади ва қуйидаги гапда «коллекция» сўзини қўллайди:

*«Конференцияда Ўзбекистон учун ажратилган залга қўйилган экспонатлар айниқса томошабинлар эътиборини жалб этди. Кўрғазмада ўзбек ипакчилик ташиқоти томонидан тақдим этилган ипак намуналари, ипак хомашёси коллекциялари ҳаммининг эътиборини қозонди».*

II-A1 реципиенти: «коллекция-мажмуа, Инсонлар ўз севган буюм ёки бошқа бирор нарсани йиғиши, тўплаши. Экспонат-қадимдан ота-боболаримиздан бизгача етиб келган, музейларда сақланадиган буюмлар. Кўрғазмага қўйиладиган нарсалар ҳам шундай аталади», - дея таъриф берган ва бу сўзлар иштирокида тузган гапи қуйидагича: *«Япониялик таниқли этнолог хоним бошчилигида Марказий Европадаги ўзбек хомашёси экспонати, ўзбек миллий ипакчилиги бирлашмаси, турли хил ипак толаларидан намуналар коллекциясини кўрғазма учун қўйдилар».* Бу мисолда «коллекция», «экспонат» сўзлари ўз маъносида қўлланган, бироқ гап жуда узунлиги ва гипотактик тузилиши боис сўзлар ўртасидаги синтактик алоқалар матндагидай айнан ёки шунга яқин даражада сақлаб қолинмаган. Синтактик алоқалар ҳам лексемалар ҳам тўғри тушунилган ҳолатда «Коллекция» ва «Экспонат» сўзлари қўлланмасдан (бу сўзларнинг тўғри тушунилганлигини реципиентнинг уларга берган таърифидан биламиз: «коллекция-бирор бир нарсанинг турли навларидан намуналар. Экспонат-бу бирор бир соҳага асосланган, музейларда сақланадиган жиҳозлар, буюмлар») стимул матн мазмуни билан мос келадиган гап тузилган: *«Кўрғазма ташкил этилиб, унда «ўзбек ипаги»нинг бир неча пилла намуналари ва хомашёлар намойиш этилди. Шу билан бирга ўзбек ипагидан тайёрланган матолар: атлас ва адраслар намойиши томошабинларда катта қизиқиши уйғотди»* (II-1A7). (Қиёсланг: асл матндаги гап **«Экспонатлар орасида таниқли япон этнологи Тейко Като хоним ва марказий Евроосиё клуби коллекцияларидан олинган ўзбек миллий либослари, «ўзбек ипаги» уюшмаси томонидан тақдим этилган турли навдаги пилла намуналари ва ипак хомашёси томошабинларда катта таассурот уйғотди»**).

Матнда реципиент учун нотаниш бўлган сўзнинг қўлланиши қабул қилинаётган лисоний бирликлар занжирида узилишни юзага келтиради. Бу узилиш туфайли лисоний воситаларнинг матндаги ўрни айнан сақланмайди. Қабул қилиш жараёнида бу ҳолат сўзлар орасидаги синтактик муносабатни тўғри англашга халал беради. Натижада, реципиент онги хотирада мавжуд эталонларга асосланиб гапни қайта тузади. Бунда у

матн ичидан эслаб қолган сўзларидан фойдаланади. Масалан, асл матндаги **«Япониянинг Гунма префектураси маркази Маебаши шаҳрида халқаро ипакчилик кўргазмаси бўлиб ўтди»** гапи баёнларда қуйидагича ифодаланади: *«Япониянинг Гунма префектураси илмий тадқиқот маркази Маебаши шаҳрида катта илмий-оммавий анжуман ўтказилди»* (II-Д3), *«Японияда Гунма префектураси ва илмий тадқиқот маркази раҳбарлигида халқаро ипакчилик тадбири бўлиб ўтди»* (II-A1) Мазкур мисолларда гапнинг боши ёдлаб қолинган. Гап тўлиқ тушунилмаганлиги учун реципиент уни ёдлаб қолишга ҳаракат қилган. Шунинг учун асл матндаги гапнинг умумий мазмуни ҳақидаги тасаввур асосида гап қайта тузилган. Қайта тузиш вақтида реципиент матннинг турли ўринларда қўлланган сўзлардан (*илмий тадқиқот маркази*- асл матндаги 3-гапда қўлланган; *илмий-оммавий анжуман*- асл матннинг 5-гапида «илмий – амалий анжуман» сўз бирикмаси мавжуд) фойдаланганлиги матнни қабул қилиш жараёнида лексемалар ва сўз бирикмаларини перцептив бирлик сифатида ажратганини билдиради. Бундай ҳолатда тушуниш қуйи даражада амалга ошади.

Нотаниш сўзнинг қўлланиши натижасида юзага келган узилиш фақат шу сўзнинг матндаги ўрни билан чегараланиши ва матннинг қолган қисмларига таъсир этмаслиги мумкин. Бунда шу сўз қатнашган гапнинг мазмуни нисбатан тўғри тушунилади. Гапни қайта тузишда реципиент шу сўзни ишлатмаслиги ёки контекст ёрдамида англашилган умумий маънони бошқа сўз ёрдамида ифодалаш мумкин. Масалан, *«Япониянинг Маебаши шаҳрида халқаро ипакчилик кўргазмаси бўлиб ўтди»* (II-C4), *«Японияда халқаро ипакчилик кўргазмаси бўлиб ўтди»* (II-D11) ёки *«Япония шаҳарларининг бирида кўргазма бўлиб ўтди»* (II-D4).

Тилда қўлланивчи стандарт конструкциялар нотаниш сўзнинг маъноси ҳақида маълумот берувчи энг яхши воситалардир. Масалан, «Гунма» сўзи атоқли от эканлигини бу сўзни қўллаган барча синалувчилар тушунганлар. Бунга, албатта, ўзбек тилидаги стандарт шакл (Тошкент шаҳри, Россия Федерацияси, Ниёзбоши қишлоғи ва Гунма префектураси, яъни, отҚ(отҚэгалик қўшимчаси III шахс, бирлик) шакли) ёрдам берган.

Сўз бирикмалари матний перцепция жараёнининг бирлиги ҳисобланар экан, шу ўринда уларнинг семантик ва синтактик хусусиятларининг матнни тушунишдаги аҳамияти ҳақида сўз юритишни лозим топдик. Фаол луғатдаги сўзлардан тузилган бирикмалар ва стандарт конструкциялар перцепция жараёнида ўз яхлитлигини сақлайди. Бироқ бу бирикмаларнинг жуда узун бўлиши уларни тушунишга халал беради. Газета матнларидаги хабар мазмунидаги мақолаларда, одатда, содда гаплар қўлланади. Ахборотни сиқик шаклда беришга бўлган интилиш бу содда гапларнинг таркибида узун бирикмаларнинг қўлланишига олиб келади. Масалан, газета матнларида «аниқловчи Қ аниқланмиш» типидagi узун ва мураккаб бирикмалар кўп ишлатилади. Учинчи тажрибада фойдаланилган стимул матнда **«Япониянинг Гунма префектураси(нинг) маркази Маебаши шаҳри...»** бирикмаси қўлланган (Япониянинг Қ Гунма

префектураси Қ маркази Қ Маебаши шаҳри... - қаратқич аниқловчи Қ қаратқич аниқловчи Қ сифатловчи аниқловчи Қ аниқланмиш). Кўпчилик реципиентлар асл матндаги қаратқич аниқловчи бўлган сўз (префектураси)ни сифатловчи-аниқловчи сифатида қабул қилганлар. Шунинг учун баёнларда «*префектура маркази*» шаклидаги бирикма қўлланган: «*Япониянинг Гунма префектура марказида ипакчилик бўйича кўрғазма анжуман бўлиб ўтди*» (II- A6), «*Япония префектура марказида, Маебаши шаҳрида ўзбек ипакчилик тўғрисида йиғилиш бўлди*» (II-B2). «Префектура» сўзи реципиентлар учун нотанишлиги билан бирга қаратқич келишигида белгисиз қўлланиши перцепциядаги қийинчиликни янада оширган.

Реципиентлар «ЮНЕСКО» сўзига таъриф беришда унинг нима билан шуғулланиши ҳақида турли фикрларни билдирганлар, аммо халқаро ташкилот эканлигини таъриф ёзган реципиентларнинг барчаси қайд этган. Шунинг учун ҳам баёнларда бу сўз тўғри қўлланган. Шунингдек, бу сўз иштирокидаги асл матндаги гап нисбатан қисқа ва содда тузилишга эгаллиги ҳам тўғри тушнишга ёрдам берган.

«Хомашё» сўзи 5 та баёнда ишлатилган, бир ўринда, II-A1 реципиенти томонидан нотўғри қўлланган. Бу реципиент матнни тинглашдан олдин сўзга: «*хомашё- буюм, маҳсулот. Хомашё қайта ишланиб, инсон заруриятини қондиради*», -деб таъриф берган. Баёнда куйидаги гапда шу сўздан фойдаланган: «*Япониядаги таниқли этнолог хоним бошчилигида Марказий Европадаги ўзбек хомашёси экспонати, ўзбек миллий ипакчилиги бирлашмаси турли хил ипак толаларидан намуналар коллекциясини кўрғазма учун қўйди*». Реципиент сўзга берган таърифи тўлиқ эмас. Бу сўзнинг маъноси хусусида унда қатъий ишонч йўқлигини билдиради. Баёнда йўл қўйилган хатони асл матндаги айни гапнинг нисбатан узунлиги, мураккаб бирикмаларнинг уюшиқ ҳолда қўлланиши ҳамда реципиентнинг сўз маъноси хусусида қатъий, тўлиқ тасаввурга эга бўлмаганлиги билан тушунтириш мумкин. II- B2 реципиенти шу сўзга «*хомашё тайёр бўлмаган маҳсулот, ишлов берилиб, фойдаланса бўлади*», -деб таъриф беради ва баёнда: «*... хомашёлар ҳам кўрғазмага қўйилди*», -деб ёзади.

Матнни тушунишда лексема ва сўз бирикмалари тил луғатининг фаол-нофаол қатламидан эканлиги, лексема ва сўз бирикмасининг аниқ ва мавҳум тушунчани ифодалаш, гапнинг узунлиги ва синтактик тузилиши, матннинг мазмуний блокларининг ўзаро алоқаси (яъни, матннинг мазмуний структураси), муҳим омиллардан ҳисобланади. Бу лисоний омиллар матннинг қандай тушунилишни белгилаб беради.

Газета матнида ўқувчи учун нотаниш сўзлар қўлланганда контекст бу сўзнинг маъносини аниқлашга ёрдам бериши керак, бироқ сўз қўлланган бирикма мураккаб тузилишга эга бўлса, маънони аниқлашга тўсқинлик қилади. Бу ўзбек тили мисолида келишиқ кўшимчалари ёрдамидаги бирикмаларнинг белгили ва белгисиз қўлланиши натижасида юзага келади. Масалан, қаратқич келишиги кетма-кет қўлланганда, яъни мураккаб

бириқма ҳосил қилганда, одатда, аввал белгили, кейин белгисиз қўлланади. Белгисиз қўлланиши перцепцияда кўпроқ вақт олади. Сабаби, қабул қилинган бириқма хотирадаги битишувли бириқма, белгисиз қўлланган қаратқич аниқловчи, белгисиз қўлланган тушум келишигидаги от ва кесим, эга ва кесим каби конструкциялар билан солиштирилади. Нотаниш сўзнинг маъноси контекстда қандай тушунилса ёки тушунилмаса, унинг ўрнини контекстуал маънога асосланган ассоциация эгаллайди. Бу ассоциациянинг стимул сўзга маънов жиҳатидан яқинлиги гапнинг мазмунини безарар сақлайди. Ассоциациянинг маъноси стимул сўздан қанча узоқ бўлса, гапнинг мазмуни ҳам аслидагидан шунча узоқлашиб бораверади. Бунда куйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин бўлади:

а) гапдаги бошқа сўзлар ва гап структураси айнан эслаб қолинганда ассоциатив сўз гапдаги нотаниш сўзнинг ўрнига қўйилади ва гапга мазмунан мос келмаганлиги учун гапнинг яхлитлигини бузади. Натижада мантиқан нотўғри гап ҳосил бўлади;

б) гапдаги айрим сўзлар ва айрим бириқмаларнинг структураси эслаб қолинганда маъно жиҳатидан стимул сўздан узоқроқ бўлган ассоциатив сўз қўлланса, гапни гап сифатида шакллантириш учун ассоциатив сўз стимул сифатида юзага чиқади ва бошқа ассоциацияларни юзага келтиради. Бунинг натижасида гап (ёки матн) мазмуни аслидагидан янада узоқлашади.

Гап яхши эслаб қолинмаса ва сўз алоҳида эслаб қолинган ҳолатда реципиент онгида юзага келган синтагматик ассоциациялар мазкур сўз учун контекст вазифасини бажаради.

Таассуб реципиентнинг ижтимоий мансублиги ва ўзлаштирган билимлари асосида юзага келган, онг ҳаракатининг чекланиши билан боғлиқ бўлган, реципиент ўзи қатъий ишонган хулосалардир<sup>1</sup>.

С. Плаус таассубни юзага келтирувчи омилларни куйидагича ажратади: шахсий омиллар- авторитаризм ва ижтимоий устунликка интилиш; когнитив омиллар- инсонларнинг категориялар билан фикрлаш кўникмаси; мотивацион омиллар- ўз-ўзига ҳурмат эҳтиёжи; ижтимоий омиллар- инсоннинг ўзи мансуб бўлмаган гуруҳ вакиллари нотўғри баҳолаши<sup>2</sup>.

Таассуб кўп ҳолларда матнни тушунишга халал беради. Матннинг мазмуний перцепциясида таассубнинг мавжудлиги инсон онгининг ассоциацияланиш хусусияти билан белгиланади. Ассоциацияланиш жараёнида реципиентнинг билимлар тизимида муҳим ўрин тутган хулосаларнинг фаоллашиши таассубни келтириб чиқаради. Бундай таассуб реципиентнинг ижтимоий мансублиги, оммавий ахборот воситаларидан ўзлаштирган билими асосида пайдо бўлади. Таассубга асос бўлувчи хулоса стимул матн асосида ҳам чиқарилиши мумкин.

<sup>1</sup> Таассубнинг социопсихологик таҳлили ҳақида қаранг: Allport G.W. The Nature of Prejudice. Addison-Wesely Publishing Company. -Massachusetts, 1979. Социоллингвистикада таассубнинг ўрганилиши хусусида қаранг: Hudson R.A. Sociolinguistics. Second edition. Cambridge University press, 1996. -P. 216-220.

<sup>2</sup> Plous S. The Psychology of Prejudice, Stereotyping, and Discrimination: An Overview // S. Plous (Ed.), Understanding Prejudice and Discrimination. New York: McGraw-Hill, 2003. P.3-48// <http://www.understandingprejudice.org/draft/pdf/OverviewEnglish.pdf>

## Ишни бажариш учун намуна

**Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни бажариш лозим:**

1. Тингловчиларнинг сўз маъносининг ўзлаштирилиши ҳақидаги мулоҳазалари (мунозара, суҳбат).
2. Матнни қабул қилишда нотаниш сўзнинг матнни тушунишга қандай таъсир қилиши таҳлил қилиш.
3. Тингловчиларнинг сўз маъносининг ўзлаштирилишда стандарт конструкцияларнинг ўрни ҳақидаги мулоҳазалари (мунозара, суҳбат).

## ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИ

**1-машқ. Қуйидаги жавоб реакцияларнинг психолингвистик асосини тушунтиринг.**

1. «Хуқуқ амалдордами?» - *«Амалдорларнинг хуқуқни бузётганлиги ҳақида»* (фақат онаси билан яшовчи қиз); *«Хуқуқ ва жамият ҳақида»* (отаси фирма директори бўлган қиз); *«Жамиятдаги қонунларнинг мансабдорлар орасидаги аҳамияти ҳақида»* (отаси коллеж директори бўлган қиз).
2. «Террор: Made in America» - 11 сентябрь ёки Бағдоддаги воқеалар тўғрисида» (I-6), «11 сентябрда Америкада содир бўлган террор» (I-10), «Америка элчихоналарининг бошқа давлатларда ўққа тутилиши ва портлатилиши» (I-20), «Америкадаги 11 сентябрда террорчилик оқибатлари политика ва цивилизацияга салбий таъсир этди» (I-21), «Америка террорчиларга қарши қаттиқ курашга киришди» (I-47), «Ҳозирги кунда Америка террорчиликка қаттиқ кураш олиб бормоқда» (I-71)

## ТОПШИРИҚ ЕЧИМИ:

1. Асл матндаги «амалдор» сўзининг ўрнига мансабдор сўзининг ишлатилишига сабаб «амалдор» сўзи салбий бўёқдорликка эгалигидир. Бу сўз биринчи навбатда реципиентнинг отаси ҳақидаги ассоциацияларни юзага келтиргани учун у салбий бўёқдорликка эга сўзни қўллай олмаган.
2. Мазкур жавобларда оммавий ахборот воситалари таъсирида шаклланган таассуб гапнинг асл мазмунини тушунишга халал берган.

## Назорат саволлари:

1. Сўз маъносининг ўзлаштирилиши юзасидан қандай психолингвистик тадқиқотларни биласиз?

2. Сўз частотаси ва контекст сўз маъносининг ўзлаштирилишида қандай аҳамиятга эга?
3. Сўз маъносининг ўзлаштирилишида стандарт конструкцияларнинг ўрни қандай?

#### **Адабиётлар**

1. Marchman, V.A., and Dale, P., S. (2017) Assessing Receptive and Expressive Vocabulary in Child Language. *Research Methods in Psycholinguistics and the Neurobiology of Language*. John Wiley & Sons, Inc. 2018. Pp. 40-68.
2. Friend, M., & Keplinger, M. (2003). An infant-based assessment of early lexicon acquisition. *Behavior Research Methods, Instruments, & Computers*, 35, 302–309. <http://doi.org/10.3758/BF03202556>
3. Hoff, E. (2003). The specificity of environmental influence: Socioeconomic status affects early vocabulary development via maternal speech. *Child Development*, 74, 1368–1378. <http://doi.org/10.1111/1467-8624.00612>
4. Qurbonova M. O‘zbek bolalar nutqi leksikasining sotsiopsixolingvistik tadqiqi. Toshkent, 2014.
5. Lutfullayeva D., Qurbonova M. Bolalar nutqiga xos deyktik birliklarning fonopragmatik tahlili. // O‘zbek tili va adabiyoti. 2013. - №6. - B.22-27.

#### **Интернет материаллари:**

1. <https://www.cambridge.org/core/journals/applied-psycholinguistics>
2. <https://archive.org/details/appliedpsycholin0000tito>
3. <https://www.appliedpsychcoglab.com/>

## **V.Битирув ишлари учун мавзулар**

- 1.Креатив ёндашув асосида“Жаҳон ва ўзбек болалар адабиётида образ яратиш маҳорати” модулини ўқитиш
- 2.“Халқ оғзаки ижоди кичик жанрлари” модулини ўқитишда концептуал жадвалдан фойдаланиш
- 3.“Чингиз Айтматов қиссаларида образ ва образлилик” модулини ўқитишда қиёсий-типологик методидан фойдаланиш
- 4.Сўз ва сахна: драматик асарларни ўргатишда аудиовизуал воситаларидан фойдаланиш  
“Мутолаа маданияти” модулини ўқитишда адабий таълим методлари
- 5.“Эски ўзбек ёзувида мунфасил ва муттасил харфларни ўргатиш” модулини ўқитишда илғор хорижий технологиялардан фойдаланиш.
- 6.“Аския матни лингво стилистикаси” модулини ўқитишда лойиҳа технологиясидан фойдаланиш.
- 7.“Мирзоолим Мушрифнинг “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин” асаридаги изофий бирикмалар”” модулини ўқитишда таълимнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш.
- 8.“Синонимлар” модулини ўқитишда компонент таҳлил методидан фойдаланиш.
- 9.“Нутқий мулоқот маданиятини ривожлантириш ва нутқ турлари” модулини ўқитишда график органайзерлардан фойдаланиш..
- 10.“Алишер Навоийнинг “Сирож-ул муслимийн” модулини ўқитишда график органайзерлардан фойдаланиш.



## VI.КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-Кейс

Аудиторияда “Она тили ” фанидан назорат иши олинаётган эди. Ўқитувчи назорат ишини ёзма равишда олишини талабаларга эълон қилди ва оралиқ назорат саволларини барча талабаларга вариантлар асосида тарқатиб бера бошлади. Шу пайт ўқитувчи 31 та талабага 30 та савол вариантлари тузиб келганлигини англаб қолди ва вазиятдан чиқиш учун орқа партада ўтирган Абдусалом ва Абдужаббор исмли талабаларга бир хил вариант саволларини тарқатиб берди. Назорат иши давомида талабалар ўзларига бриган вариант саволлари асосида назорат ишини ёза бошладилар. Аудиторияда жараён тинч ва осойишта ўтаётган эди, бироқ шу орада ўқитувчи орқа партадаги Абдусалом Абдужаббордан назорат иши саволларининг жавобларини кўчириб йўзаётганлигини сезиб қолди ва унга нисбатан кўчириб йўзмаслик ҳақида огоҳлантириш берди. Аммо бу огоҳлантиришдан тегишли хулоса чиқармаган Абдусалом ўз ишида давом этаверди. Бундан жаҳли чиққан ўқитувчи Абдусаломга Абсалом дея мурожаат этди ва жазо сиатида унга назорат ишида унга балл қўймаслигини ва дарҳол аудиториядан чиқиб кетишини талаб этди. Бундан норози бўлган талаба биринчидан унинг исми Абсалом эмас, Абдусалом эканлигини,исмини тўғри талаффуз қилишни ва бу билан унга паст назар қилмасликни айтиб ўтди. Нўкулай аҳволда қолган ўқитувчи эсаъғзаки нутқда Абдусломни Абсалом тарзида масалан Абдужабборни ҳам Абжаббор тарзида талаффуз қилиш мумкинлигини эътироф этди. Жавобдан қониқмаган талаба буни ўзига ҳақорат деб билиб эшикни қаттиқ ёпиб аудиториядан чиқиб кетди.

Муаммо:

- 1.Ўқитувчининг назорат саволларини тарқатиш жараёнидаги қилган иши тўғрими?
2. Ўқитувчининг Абдусаломга нисбатан қўллаган чорасини қандай

изоҳлайсиз?

3. Талаба Абдусаломнинг аудиторияда ўзини тутиши тўғрими?

4. Ўқитувчи талабанинг исмини тўғри талаффуз қилдими?

5. Шундай вазиятда сиз қандай йўл тутган бўлар эдингиз?

Ечим: 1. Биринчидан ўқитувчи вазиятни нотоғри ташкил этди. У саволлар вариантларини талабаларнинг сонига мослаб тақсимлаши керак эди. Ечим: 2. Иккинчидан ўқитувчи бир хил вариант берганда талабаларни ўрнини алмаштириши керак эди. Ечим: 3. Ўқитувчи атайин талабанинг исмини қисқартириб талаффуз этган бўлиши мумкин. Ечим: 4. Педагогик нуқтайи назардан таҳлил этадиган бўлсак, аудиториядан талабалар жамоаси орасида Абдусаломнинг дарсдан чиқиб кетиши тўғри эмас. Ечим: 5. Ҳар қандай ҳолатда ўқитувчи исмини тўғри талаффуз қилиши керак эди. Ечим: 6. Ўқитувчи талабанинг психофизиологик характер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жараёнга муносабат билдириши лозим.

2-кейс

Мавзу: Барча нутқ товушларининг ўзгариши хусусиятлари ёзма ва оғзаки нутқда бир хил ифодаланадими? Ўқув предмети: Она тили ва адабиёти

Мавзу: Барча нутқ товушларининг ўзгариши хусусиятлари ёзма ва оғзаки нутқда бир хил ифодаланадими?

Кейснинг асосий мақсади: Талабада мустақил фикрлашни ривожлантириш

Ўқув фаолиятдан кутиладиган натижалар:

1) Талабада нутқ товушларининг ўзгариши нутқда ўзгариши ҳақида тасаввур уйғотиш;

2) Воқеа атрофидаги муаммоларни шакллантириш;

3) Ҳақиқий муаммони топа олишга ўргатиш;

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан талабалар куйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари зарур:

Талаба билиши керак: Нутқ жараёнида товушларнинг ўзгаришига хос хусусиятларни синчиклаб ўрганиш.

Талаба амалга ошириши керак:

- 1) Фонетик ўзгаришларни мустақил ўрганади;
- 2) муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради;
- 3) фикрларни илгари суради;
- 4) маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади;
- 5) ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чиқаради;
- 6) ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди;
- 7) маълумотларни таққослайди, таҳлил қилади ва умумлаштиради.

Талаба эга бўлмоғи керак:

- 1) коммуникатив кўникмаларга;
- 2) тақдимот кўникмаларига;
- 3) ҳамкорликдаги ишлар кўникмаларига;
- 4) муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўникмаларига.

Манбалардан фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳамраев М., Муҳамедова Д., Шодмонкулова Д., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш. Она тили. Тошкент, “Молия-Иқтисод” 2007-йил. -300 бет.

2. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2005, “Талқин” нашриёти

3. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. 2006, “Университет” нашриёти.

4. Икромова Р., Муҳамедова Д., Ҳамраев М. Она тилидан машқлар тўплами. ТДПУ, Тошкент, 2009-йил. -240 бет.

Кейснинг технологик хусусиятларидан келиб чиқадиган тавсифномаси:

Кейснинг асосий манбаи ҳаётини вазиятлар асосида баён этилган. Кейснинг асосий объекти фонетик ўзгаришларга хос хусусиятлар. Бу

ташкилий кейс бўлиб, маълумотлар вазият ва саволлар асосида тузилган. Хажми қисқа, тизимлаштирилган, тренингга мўлжалланган, ўқув мавзуси бўйича билим ва кўникма ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра, кейс муаммоларни тақдим қилишга, ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга мўлжалланган. Кейсдан “Она тили” курсларини ўтишда фойдаланиш мумкин. Кириш қисмида фонетик ўзгаришлар ҳақида маълумот берилади.

Ҳар қандай тилда ҳам товушлар ёзувда ёзилганидек талаффуз қилинавермайди. Товушлар комплексини (тизимини) бирга талаффуз қилиш натижасида айрим товушлар ўзаро бир-бирига таъсир қилади ва бу таъсир товуш ўзгаришига олиб келади. Масалан, юрт сўзига ўрин-пайт келишиги аффикси -да, чиқиш келишиги аффикси –дан қўшилганда, сўз охиридаги т товуши аффиксдаги д ундошига таъсир қилиб, уни т товушига айлантиради: юрт+да=юртта, юрт+дан=юрттан каби (ёзилиши: юртта, юртдан). Бир саноқ сонига дона сон аффикси –та қўшилганда, аффиксдаги т ундошнинг таъсири билан сўзнинг охиридаги р товуши т га ўтади: бир+та=битта каби.

маъноли бирлик ҳосил қиламиз. Мас., т-о-ш, б-о-ш, қ-о-л. Сўз таркибидаги товуш алоҳида-алоҳида эмас, балки узлуксиз талаффуз қилинади. Сўз узлуксиз талаффуз қилинганда, унинг таркибидаги бир товуш ҳали тўлиқ талаффуз қилинмай туриб, нутқ аъзоси иккинчисига тайёрланиб туради. Натижада товуш занжири вужудга келади. Талаффуз қулайлигига интилиш туфайли нутқ жараёнида товуш занжирида турли фонетик ўзгариш рўй беради. Мас., тоғ асосига -га қўшимчасини қўшсак, асос охиридаги чуқур тил орқа ғ дан сўнг тил орқа г ундоши келиб, чуқур тил орқа товушидан тил орқа товушига бирданига ўтиш қийинлашади. Талаффуз ноқулайлиги вужудга келади. Ана шу ноқулайликни бартараф қилиш учун иккинчи товуш ҳам чуқур тил орқага айлантирилади ва ҳар иккиси ҳам жарангсизлашади: тоғ + га – тоққа, боғ + га – боққа каби.

Шундай сўзларни оғзаки а ёзма нутқда ифодалаганда қандай фарқлашимиз ҳақида фикр юритинг.

## VII. ГЛОССАРИЙ

| Термин                          | Ўзбек тилидаги шарҳи  |
|---------------------------------|---|
| <b>Мазмуний перцепция</b>       | нутқнинг сезги аъзолари билан қабул қилиниши ва тушунилиши жараёни. «Перцепция» психологик термин сифатида «объектив борлиқнинг сезги аъзолари билан акс эттирилиши» деб таърифланади. Рус тилшунослигида нутқнинг тушунилишини англатиш учун «смысловое восприятие» термини, инглиз тилшунослигида «speech perception», «language understanding», «language comprehension» терминлари қўлланади. Мазкур терминларга асосланган ҳолда биз мазмуний перцепция терминини қўладик. «Перцепция» термини қабул қилишни англатса, «мазмуний» сифатловчиси нутқнинг шунчаки товушлар оқими сифатидаги пассив қабул қилинишини эмас, сезги аъзоларига таъсир этаётган нутқий сигнал мазмунининг тушунилишини ҳам англатади. |
| <b>Ассоциатив даража</b>        | берилган матннинг элементлари асосида ассоциацияларнинг юзага келиши билан характерланади.  |
| <b>Лексик-морфологик даража</b> | қабул қилинаётган нутқий оқим ичидан сўзлар лексема сифатидаги яхлитлиги ва сўз шакли сифатидаги морфологик хусусиятларини сақлаган ҳолда ажратилади.   |
| <b>Контекстуал даража</b>       | сўзларнинг локал контекстдаги (бир-икки гап доирасидаги) маънолари аниқлаштирилади.   |
| <b>Структурал даража</b>        | гапларнинг мазмуний блок доирасидаги маъноси англашилади ва мазмуний блоklarнинг ўзаро алоқаси, бошқача айтганда, матннинг ички мазмуний структураси аниқлаштирилади.   |
| <b>Матн даражаси</b>            | Матннинг мазмуний перцепцияси жараёни матн даражаси билан яқунланади. Бунда реципиент онгида яхлит матннинг проекцияси ҳосил бўлади   |
| <b>Матн блоklари</b>            | матннинг нисбатан мазмуний яхлитликка эга таркибий қисmlаридир. Бу термин бир неча олимлар  |

|                        |   |
|------------------------|---|
|                        | <p>томонидан ишлатилган бўлиб, биз А.Мецлер қўллаган мазмунни назарда тутамиз. А.Мецлер матн блокларини «коммуникатив йўналтирилган, нисбатан тугалланган бирлик» сифатида таърифлайди ва унинг таркибий қисмлари ўртасида «матн компонентларининг мазмуний боғлиқлигини акс эттирувчи мотивацион муносабат мавжуд» лигини таъкидлайди.</p>   |
| <b>Топик</b>           | <p>матн блокларининг умумий мазмуни бўлиб, гап шаклида ифодаланади. Бу терминни айти маънода Т.А. ван Дейк ишлатади.</p>  |
| <b>Когерентлик</b>     | <p>тушунчаси матн тилшунослиги йўналишига тегишли бўлиб, кўпроқ гапларнинг ўзаро боғлиқлигини англатиш учун ишлатилади. Масалан, Н. Торошина «...матн когерентлиги когезиянинг мантикий-семантик, синтактик ва услубий кўринишларининг ўзаро таъсирдир, когерентликнинг асоси гапнинг мантикий-семантик когезиясидир»,- деб ёзади. Когерентлик тушунчасини биз матн таркибидаги гаплар ва мазмуний блокларнинг мантикий-семантик, грамматик ва услубий муносаблигини англатиш учун қўллаймиз.</p> |
| <b>Реципиент</b>       | <p>нутқни қабул қилувчи маъносини англатади. Биз бу терминни синалувчилар, тажриба иштирокчилари сўзлари билан параллел равишда ишлатдик.</p>   |
| <b>Матн проекцияси</b> | <p>А.А. Залевская унга шундай таъриф беради: «Матн проекцияси деганда... реципиент томонидан матннинг мазмуний қабул қилиниш жараёнининг якуний маҳсули тушунилади». Биз тажрибаларимиз таҳлили давомида ушбу терминни айти мазмунда ишлатдик.</p>  |

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи // Халқ сўзи. 2017. 16 январь, №11.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Т., 2016. 56 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 104 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 48 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Т.: Ўзбекистон, 2017. 488 б.

### II. Норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Т., 2014.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 1997. 9-сон, 225-модда.

5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 11-12-сон, 295-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбир-корлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил май-даги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомил-лаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги 365-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797 сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизиминия янада яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789 сонли Фармони

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №-797 сонли Қарори

### **III.Махсус адабиётлар**

14. Alatis, James E. *Linguistics and the Education of Language Teachers: Ethnolinguistic, Psycholinguistic, and Sociolinguistic Aspects*. Georgetown University Round Table On Languages and Linguistics (Series); Georgetown University Press 1995.

15. Robinson, P. (Ed.) *Individual Differences and Instructed Language Learning*. John Benjamins Publishing Company. Amsterdam/Philadelphia. 2002.

16. Andrews, S. *Teacher language awareness*. Cambridge University Press. 2007.



17. Gagarina, N., Gülzow, I. (Ed.s) *The acquisition of verbs and their grammar: the effect of particular languages*. Springer. The Netherlands. 2008.
18. Marchman, V.A., and Dale, P., S. (2017) Assessing Receptive and Expressive Vocabulary in Child Language. *Research Methods in Psycholinguistics and the Neurobiology of Language*. John Wiley & Sons, Inc. 2018. Pp. 40-68.
19. Friend, M., & Keplinger, M. (2003). An infant - based assessment of early lexicon acquisition. *Behavior Research Methods, Instruments, & Computers*, 35, 302–309. <http://doi.org/10.3758/BF03202556>
20. Hoff, E. (2003). The specificity of environmental influence: Socioeconomic status affects early vocabulary development via maternal speech. *Child Development*, 74, 1368–1378. <http://doi.org/10.1111/1467 - 8624.00612>
21. Qurbonova M. *O‘zbek bolalar nutqi leksikasining sotsiopsixolingvistik tadqiqi*. Toshkent, 2014.
22. Lutfullayeva D., Qurbonova M. Bolalar nutqiga xos deyktik birliklarning fonopragmatik tahlili. // O‘zbek tili va adabiyoti. 2013. - №6. - B.22-

#### **IV.Электрон таълим ресурслари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
5. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
6. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
7. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
8. [www.literature.uz](http://www.literature.uz)
9. [www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)
10. [http:// www.dissertation.ru/pedagog.html](http://www.dissertation.ru/pedagog.html)
11. <http://www.istedod.uz/>
12. [www.scopus.com](http://www.scopus.com)